



# Ўзбекистон – Германия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ирисмат АБДУХОЛИКОВ, ЎЗА шарҳловчиси

Бутун куч-қуввати бор, маҳорати, имкониятини халқ, давлат, мамлакат равнақи ва истиқболга йўналтириб, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, яшаш шароитини яхшилашни бош мақсад сифатида белгиланган давлат учун нима зарур, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай тинчликка, тўқин-сочинликка, бахт-у камолга олиб борадиган йўл, ўрнатилган давлат бошқаруви, шундай мамлакатнинг бор салоҳиятини юзага чиқара оладиган халқ, миллат, дея жавоб берган бўлар эдик.

Дунёда инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган, тарихи ибратли, тажрибаси бой, халқи меҳнаткаш давлатлар бисёр. Германия улардан бири ҳисобланади. Инсоният турмуш тарзини мутлақо ўзгартириб юборган инқилобий ихтиролар – автомобилсозликдан тортиб оғир йўл-транспорт ҳалокати чоғида инсон ҳаётини сақлаб қолиш имконини оширадиган хавфсизлик ёстиқчасига, рентген аппаратидан “аспирин” деб номланувчи дори воситасига, компьютердан бошлаб чип ёки жуда оммабоп mp3 аудио форматига айнаган Германияда кашф этилган.

Бу мамлакатда қадимдан илм-фан, санъат, маданиятга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ишларга давлат бюджетидан катта маблағ ажратилади. Қолаверса, алоҳида қобилият, хислатлар немис халқининг қони бор, десак муболаға бўлмайди. Дунё тан олган ёзувчи, шорилар Иоганн Гёте, Франц Кафка, Эрих Мария Ремарк, Томас Манн, Генрих Белль, машҳур композиторлар Иоганн Себастьян Бах, Кристоф Виллибалд Глюк, Феликс Мендельсон, Людвиг ван Бетховен, Рихард Вагнер, Иоганнес Брамс, Рихард Штраус – буларнинг бари нафақат немис миллатининг, балки бутун жаҳон халқларининг буюк ижодкорларидир.

Германия иқтисодиёти йилдан-йилга ривожланган давлатлардан биридир. Экспертларнинг таъкидлашича, Германия иқтисодиёти АКШ, Хитой ва Япониядан кейинги ўринда туради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолиси турмуш даражаси энг юқори бўлган мамлакатларни аниқлайдиган индекси бўйича Германия 191 давлат орасида 9-ўринни эгаллаган. Бу давлат 70-75 йил муқаддам Иккинчи Жаҳон урушида иқтисодиёти тўла издан чиққан юрт бугун ялпи ички маҳсулот миқдори бўйича жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришган.

Дунё олимлари замонавий бозор иқтисодиётининг илмий-назарий ва амалий асосини “немис иқтисодиёти мўъжизаси” муаллифлари Людвиг Эрхард ва Франц Опенгеймер номи билан боғлашади. Германия Ўзбекистонга маҳсулот экспорт қилиш бўйича Хитой, Россия, Қозғистон, Туркия, Корея Республикаси ва Қирғизистондан кейин 7-ўринда туради. Алоҳида қониқиб билан қайд этиш жоизки, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабат сўнги йилларда жадал ривожланмоқда. Бунинг сўнги орти йил ичида Германия Ўзбекистонга маҳсулот етказиб беришнинг 2,2 баробарга оширгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бошқача айтганда, икки давлат ўртасида товар ва хизмат айирбошлаш 530 миллион доллардан 1,2 миллиард долларга кўтарилди. Яқин йилларда ўзаро маҳсулот турларини кўпайтириш, диверсификация қилиш ҳисобига яқин кўрсаткич яна икки баробар ўсиши кутиляпти.

Иклими, суви, тупроғи, об-ҳавоси бизниқадан фарқ қиладиган Германияда Ўзбекистоннинг ажойиб табиати, саҳий кўёши маҳсули, миришкор дехқон, моҳир боғбонларимиз қўли билан етиштирилган мева-сабзавот, айниқса, немислар яқин кўрадиган ҳўл ва қуритилган мева, соф пахта-ю тоза ипақдан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари, тикилган тайёр кийим-кечак, шунингдек, саноат маҳсулотлари жуда харидордир.

Ҳар қандай юрт тараққиёти кўп жиҳатдан мамлакатга жалб этилаётган инвестицияга боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистондек илдам ривожланаётган мамлакат бой ва технологик жиҳатдан ривожланган давлатлар билан инвестициявий ҳамкорликни яқши йўлга қўйиш энг тўғри йўл. Бинобарин, Германия ҳозиргача Ўзбекистонга киритган 5,5 миллиард доллар инвестициянинг 4 миллиарди сўнги бир-икки йилга тўғри келади. Бугунги кунда Ўзбекистонда

юздан ортиқ қўшма корхона тўла немис капитали ёки маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишламоқда.

Машҳур “КЛААС” концерни, “Лемкен” қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарадиган корхона, шша толаси тайёрлайдиган “Фальк Порше”, йўл қурилиши учун асфальт-бетон қоришмаси етказиб берадиган “Паппенбург” компанияси, шунингдек, “Хьюго Босс”, “Карл Гросс”, “Дигель”, “Энгельберг Страус”, “Дойче Кабель” каби банк, бизнес тузилмалари мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Яна бир машҳур корхона – “MAN Nutzfahrzeuge AG” “Узавтосаноат” акционерлик компанияси билан ҳамкорликда Самарқандда 3 миллион евро устав фондига эга автомобиль техникаси ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этган. Айни пайтда Самарқанд автомобиль заводида 18 тоннагача юк ташийдиган автомобиллар, 37 йўловчи сигимили автобуслар йиғилмоқда. Корхона йилга тўрт мингта машина ишлаб чиқариш қувватига эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил январь ойида Германия – Ўзбекистон ишчи кенгаши, немис иқтисодиёти Шарқ кўмитаси вакиллари, Германия энергетика агентлиги, шунингдек “CLAAS”, “Knauf”, “Siemens Energy”, “Lasselsberger”, “Aurubis”, “Linde Group”, “Günter Papenburg”, “Falk-Porsche-Technik”, “Mangold Consulting”, “DB Engineering”, “Landesbank”, “Commerzbank”, “KfW”, “Deutsche Bank” каби тузилмалар мутасаддилари, раҳбар ходимлари билан учрашган эди. Унда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 2-3 май кунлари Германияга навабтаги расмий ташрифи чоғида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан ҳукуматлараро декларация имзоланди. Мулоқот чоғида ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари билан инновацион-технологик шерикликни кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳа ва дастурлар ҳақида сўз борди. Аянага мувофиқ, Ўзбекистон етакчиси немис бизнесининг илғор вакиллари билан ҳам учрашди.

Таъкидлаш жоиз, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масаласи ҳам икки давлат раҳбарларининг доимий эътиборида. Президентимиз охириги сафари чоғида пойтахт Берлинда Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросига оид кўргазма очилишида қатнашди. Шунингдек, Ўзбекистонда немис тилини ўрганиш бўйича комплекс Дастур тайёрлаш, Тошкентда фаолият юритаётган Гёте институти фаолиятини янада кенгайтиришга қелишиб олинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц тақлифига биноан 28-30 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Берлин шаҳрида бўлади. Ташриф дастурига мувофиқ, Федерал Канцлер Олаф Шольц ва Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер билан икки томонлама музокара, шунингдек, Марказий Осиё ва Германия давлат раҳбарларининг учрашувлари режалаштирилган. Мамлакатимиз етакчиси Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси томонидан ташкил этиладиган ишбилармонлик тадбирларида ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, икки давлат раҳбарларининг қатъий иродаси, амалий сый-харакатлари натижасида Ўзбекистон – Германия муносабатлари жадал ривожланмоқда. Президентимизнинг олмон дёрига бу галги ташрифи ҳам икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни яқши босқичга кўтаришга хизмат қилади.

## 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кўни

# ТАДБИРКОР ЎЗ МАБЛАҒИДАН МАКТАБ ҚУРДИ



Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

### Инсон ҳаётда ўз меҳнати, олиб бораётган эзгу ишлари билан қадр топади. Ана шундай инсонлардан бири Абдукарим Сақоновдир.

Кўп йиллардан буён қурувчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорнинг меҳнати Президентимиз раслигида жорий йилнинг 28 август кўни мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида алоҳида эътироф этилди.

Халқ депутатлари Навбахор тумани Кенгаши депутати Абдукарим Сақоновнинг нафақат туманда, балки юртимизнинг барча ҳудудларида ҳам яқин билишади. У нафақат камтарин, очик кўнгал инсон, балки саховатпеша йирик тадбиркор ҳам. Айни пайтда у “Сақонов” МЧЖни бошқаради. Компанияда бугун уч минг нафарга яқин фўқаро турли йўналишларда меҳнат қилиб келмоқда.

1975 йил 7 апрелда Навбахор тумани Ортиқ Фармонов номидаги маҳаллада таваллуд топан Абдукарим Сақонов 1996 йилдан хусусий тадбиркор сифатида танила бошлади. Дастлаб ўқув қуроллари савдоси билан шуғулланган тадбиркор 2011 йилда “Сақонов” маъсуляти чекланган жамиятига асос солди.

Тинимсиз ҳаракат ва олдинга интилиш муваффақиятлар гаровидир, дейди А.Сақонов. – Бугун юртимизда Президентимиз ташаббуси ва қўллаб-қувватлаш натижасида тадбиркорларга кенг йўл очиб берилди. Уларнинг эркин фаолият юритиши, иқтисодий бақувват бўлиши учун барча имконият ва шароит яратилган. Бу имкониятдан фойдаланиб, бизнес соҳа вакиллари ҳалоллик йўлини тутти, ҳам ўз иқтисодиёти, ҳам юрт тараққиётига ҳисса қўшиши керак. Битта иш ўрни яратиш ҳам аслида қаҳрамонликдир.

Навоий шаҳридаги ушбу мактаб тадбиркор томонидан 23 миллиард сўмлик ҳомийлик маблағлари ҳисобидан бунёд этилган бўлиб, 990 ўринли янги мактаб жорий ўқув йилида фойдаланишга топширилди, – дейди шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Шаллола Ҳамидова ЎЗА муҳбири Абдували Бўриева. – 5 қаватдан иборат таълим муассасаси замонавийлиги ва ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бинода лифт, ошхона, кутубхона, турли фан лаборатория хоналари, спорт зали, футбол ва баскетбол ўйингоҳи, ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун дам олиш жойлари мавжуд. Мактабга ўқитувчилар алоҳида сўхбат орқали танлаб олинди. Бу ҳам ўқувчиларга бугунги кун талаблари асосида таълим-тарбия беришда муҳим роль ўйнайди.

Абдукарим Сақонов аҳолига сифатли ва замонавий хизмат кўрсатиши ўз олдида мақсад қилиб, янги лойиҳа ва инновациалар устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. “Авалло, қилаётган

ишингиздан фўқароларимиз рози бўлиши керак, шунда ҳақиқий халқчил тадбиркор бўламиз”, дейди қаҳрамонимиз.

Бундан бир неча йиллар олдин Абдукарим Сақонов ҳам давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бу гоъни қўллаб-қувватлаб, Навоий шаҳрида илк бор “Ташаббуслар” сайилгоҳини барпо этган эди. Худуддаги спорт майдончалари, кичик амфитеатр, жозибали фавворалар, сўлим дарактлар, энг муҳими, ўзига хос ландшафт-дизайн нафақат ёшларни, балки шаҳар аҳлининг сеvimли масканига айланган.

Мамлакатимизда юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида қилинган меҳнат, илгари сурилган ташаббуслар доимо қадрланган, қўллаб-қувватланган ва давлатимиз томонидан алоҳида эътироф этиб келинади. Саховатпеша тадбиркор Абдукарим Сақоновнинг ҳам меҳнатлари, фидойилиги муносиб баҳоланмоқда. У мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида Президентимиз фармонига кўра “Шуҳрат” медали, жорий йилда эса “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 4- 5-саҳифаларида танишишсиз.

## Каттақўрғонда цемент ишлаб чиқариляпти

Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА муҳбири.

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида йилгига 3 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга “HENGYUAN CEMENT” хорижий корхонаси фаолият бошлади.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Самарқанд вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ва хитойлик ҳамкорлар сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кейинги йилларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Хусусан, кўни кеча Самарқандга ташриф буюрган Цзяньсан провинцияси раҳбарияти билан учрашувда ушбу минтақа тадбиркорлигига Каттақўрғонда зарур шарт-шароит яратиб берилиши маълум қилинди.

Ўз навабатида, хитойлик инвестор 351 миллион доллар миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари жалб қилиниб, амалга оширилган мақзур лойиҳа Каттақўрғондаги ишларнинг дастлабкиси ва келгусида яна бошқа корхоналар ташкил этиш ниятида эканлигини маълум қилди.

38,5 гектар майдонда бунёд этилган корхонага Хитойдан замонавий ускуналар келтирилди. Заваднинг йиллик экспорт қуввати 82 миллион долларни ташкил қилиб, Европа ва бошқа давлатларга йўналтирилади.

Муҳими, янги корхона иш бошлаши билан 600 та янги иш ўрни яратилди.

## “Энг яқши ишчи касб эгаси” танлови ғолиблари аниқланди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkoni” муҳбири.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида тармоқ тизимидаги фаолият юритаётган ёшлар ўртасида ўтказилиб келинаётган “Энг яқши ишчи касб эгаси” танловининг “Ғишт териш-умумқурилиш ишлари устаси” ҳамда “Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси” номинациялари бўйича республика босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларни ҳар жиҳатдан етуқ мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишини қўллаш, уларнинг истеъдодини намойён қилиш, танлаган касбини аниқлаш ва рағбатлантириш, маҳорат малакасини ошириш мақсадида ташкил қилинган ушбу танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларида қурилиш ташкилотлари, касб-хўнар коллежлари, хизмат кўрсатиш шохобчаларида фаолият кўрсатаётган устозлар томонидан тавсия этилган 18-25 ёшдаги 200 нафардан ортиқ ёшлар қатнашди.

Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида бўлиб ўтган танловда иштирокчиларнинг маҳорати икки босқичда – назарий (тест) ва амалий (касбий-амалий топшириқлар) синовдан ўтказилди. Бу жараёнда



Ҳар бир қатнашчининг фаолияти довомида назарий билимларни қай даражада ўзлаштиргани ишчи гуруҳи томонидан кузатиб, баҳолаб борилди.

– Коллежимизда таълим олиш ва касб сирларини ўрганишимиз учун барча шароитлар яратилган, – деди иштирокчилардан бири, Ҳоразм архитектура ва қурилиш техникумининг иккинчи босқич талабаси Улугбек Тўхтабоев. – Танлаган соҳамни яқши кўраман, ўқишни битиргач, иш жойим ҳам тайин. Чунки техникуминимиз ўзини яшайдиган Богот туманидаги қурилиш корхонаси билан ҳозирдан шартнома тузиб қўйган. Келгусида замонавий уйлар қурилишига ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

Танлов якунида “Ғишт териш-умумқурилиш ишлари устаси” номинацияси бўйича 1-ўринни навоийлик Достонбек Комиллов ҳамда “Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси” йўналишида жиззахлик Акромжон Назаров эгаллаб, қимматбаҳо совғаларни қўлга киритишди. Қолган 22 нафар иштирокчининг барчаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Республика Кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

# Барчага ўрناق бўлаётган БСК

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самардорлигини ошириш мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳанинг юксалишини таъминлайди. Шунинг учун коммунал хизматлар тизими соҳасидаги ислохотлар юртимизда амалга ошириляётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг узвий таркибий қисмига айланиб улгурмоқда.**



Мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотларнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлиги, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган. Бошқарув сервис компаниялари бугун кўп қаватли уйлارга хизмат кўрсатиш соҳасининг янги замонавий шакли сифатида ўзини оқлайптими? Мамлакатимизнинг мўъжазгина Навоий шаҳри мисолида ушбу саволларга жавоб толамиз.

"Хумо-Зилола барҳаёт" профессионал бошқарув сервис компанияси 2021 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 121 та кўп қаватли уйда истикомат қилувчи 17 минг 400 нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келади. 110 нафар малакали ишчи-ходимлар туну кун халқ хизматида.

Бизнинг "Хумо-Зилола барҳаёт" профессионал бошқарув сервис компаниямиз 2021 йил июнь ойида ташкил топган, - деди компания раҳбари Жаҳонгир Қодиров. - 110 нафар ходим ишлади. 24 соатлик диспетчерлик хизмати, 38 хилдаги қўшимча хизматлари ташкил этилган. Келиб тушган мурожаатларни тез ва сифатли бартараф қилиш мақсадида яхши мутахассислар, сантехниклар, ободонлаштириш ходимларини жалб қилганмиз. Аҳоли биздан рози бўлиши учун туну кун ҳаракат қиламиз. Бугунги кунда компаниямиз 21 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Коммунал соҳа бу бирламчи соҳа ҳисобланади. Аҳоли томонидан мурожаат келиб тушди, ишчи-ходимларимиз уни тез ва сифатли бартараф қилсагина, аҳоли бизга ишонади.

тариус ҳақиқатан ҳам уй эгасининг қарздорлиги бўлмаса, тасдиқлаб беради. 121 та кўп қаватли уйлarning барча ҳужжатлари шу ерда сақланади.

Хисобчи хонасида компаниянинг барча ҳисоб-китоб ишлари юритилади. Бугунги кунда аҳолининг тўлов қобилияти 80 фоизгача етади. Аҳоли сафар билан чет элга ёки бошқа туманларга кетгани боис тўловлар амалга ошмай қолиши мумкин. Қолган фўқароларимиз ҳар ойнинг 15 насига қадар коммунал тўловларни амалга ошириб келади.

Аҳоли тўловларни ўз вақтида амалга ошириши учун авваламбор уларга коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ҳаракат қилаймиз, - деди ҳисобчи Дилдора Хусанова. - Аҳоли бу хизматлар ва яратилган шарт-шароитларни кўриб, тўловларни ўз ихтиёри билан ойнинг 10-15 насига қадар амалга оширади. "Биллинг" хизмати жорий этилган бўлиб, ҳар бир хонадонга ҳисоб рақамлари тақдим этилган. Аҳоли бу ерга келмасдан туриб Click Up, Рауме тизимлари орқали ҳам тўловларни амалга ошириш имкониятига эга. "Биллинг"

тизими халқ билан бошқарув компанияси ўртасида шаффофлиқни аниқлаб берапти. Ушбу тизимда ҳисоботлар олиб борилади. Қайси кўп қаватли уйдан қанча тушум ва ёки ҳаражат қилинади, буларни ҳисоби шаффоф амалга ошириб борилади.

Компаниянинг моддий-техника базасини тўлдиришга катта эътибор қаратилган. Коммунал соҳада ҳам биринчи навбатдаги муаммоларни бартараф этиш учун моддий-техника база тўлиқ ва етарли бўлишига ҳаракат қиламиз, - деди диспетчер Гулсара Исмоилова. - Бир кунда 50-60 та мурожаатлар келиб тушади. Ҳаммасини бажаришга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун ходимларга барча шароитлар яратилган.

Мен аслида компания ташкил этилгандан бери шу ерда ишлайман, - деди сантехник Умид Эшонов. - Ходимлар учун шароитлар яратилган, байрамларда рағбатлантиришлар бор. Қасбим ўзимга ёқади. Аҳоли билан ишлаш осон эмас. Лекин шунга қарамай, турли вазиятлардан чиқишга ҳаракат қилиб, ҳамжиҳатлик асосида ишлаб, хизматимиз орқали халқимизни рози қилиш йўлида меҳнат қилаймиз. Аҳоли мурожаатларини ҳал қилаётганда биринчи навбатда хушмуоамала бўлиш талаб этилади.

"Хумо-Зилола барҳаёт" профессионал бошқарув сервис компанияси нафақат Навоий вилояти, балки бутун республикада энг салоҳиятли бошқарув ташкилотларидан бири ҳисобланади. Хўш, компаниянинг муваффақият сири нимада? Энг аввало компания ўз мулкдорларига 40 га яқин кўшимча сервис хизматларини тақдим қилиб



келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, компанияда қатъий тартиб ва интизом асосида ташкил этилган фаолият бугун янги эшикларни очмоқда.

Жорий йил компания томонидан кўп қаватли уйлarning 7 тасида том қисми мукамал таъмирланди. 15 та уйнинг ертўла қисмида иссиқ совуқ сув ва канализация қувурлари янгиланди. 18 та кўп қаватли уйнинг 972 та фрамуга ойналари пластик ромларга алмаштирилди. 8 та кўп қаватли уйнинг 48 та кириш йўлакларини жорий таъмирланди, 5 та кўп қаватли уйга 30 та домофон эшикларини ўрнатиди. Шу билан бирга 15 та болалар майдончаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. 5 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми таъмирланиб, бўялди. 4 та кўп қаватли уйлар атрофида 32 дона янги ўриндиқлар ўрнатилди. Компаниянинг ободонлаштириш хизмати масъул Шохидда опа билан биргаликда эрта тонгда уйлар атрофидаги ободлик ишларига ғувоҳ бўлди.

8 йилдан бери шу касбда фаолият юритиб келаман, - деди Шохидда Ақромова. - Меҳнат орқасидан оилам рўзгорини бутлаётман. 5 нафар фарзандим бор. Улар ўқийди. 3 нафар қизимни турмушга узатганман. Ҳалол меҳнатим орқали хурмат топаман. Ишчи-ходимларимиз учун ҳамма шароитлар бор, тушликлар ташкил этилади. Фаррошларимиз эрта тонгда келиб фаолият юритишади, кечки пайт 2 соат эртароқ кетишларига рухсат берамиз. Эҳтиёжларини қондиришлари учун ойлик маошларини ўз вақтида тўлаб бораемиз.

Ободонлаштириш ходимлари ҳамisha озодаликка риоя этган ҳолда ўз хизматларини аъло даражада бажариб келадилар, - деди Ирода Муҳиддинова. - Ҳар кунги тозалик ишлари олиб борилади, гулу дарахтлар сўғорилган. Қачон мурожаат қилсақ, улар тез фурсатларда етиб келиб, муаммоларимизни ҳал этиб беришади.

Ҳақиқатан ҳам компанияда ишчи-ходимларнинг меҳнат самардорлигини ошириш мақсадида барча қулай шароитлар яратилганига ғувоҳ бўлди. Жумладан, ишчи-ходимлар учун компания ёнида махсус ошхона ташкил этилган бўлиб, ҳар кунги иссиқ таомлар тайёрланади.

Бундан 6 йил аввал ҳам аянчли ҳолатда бўлган кўп қаватли уйда сув муаммоси мавжуд эди. Яъни, канализация тармоғи мавжуд бўлмаган. Бугунги кунга келиб эса БСК томонидан махсус ўра қазилган. Шунингдек, бу ерга сув минораси ўрнатилиб, аҳолининг сув муаммолари бартараф этилган.

Биз кўп қаватли уйлarda бир неча йиллардан бери истикомат қиламиз, - деди Хожар Отамуродова. - Авваллари шароит умуман бўлмаганди. Эндиликда

БСК хизмати туфайли сув босими яхшиланди, канализация тизими йўлга қўйилди. Шароитлар ҳатто шаҳарниқадан асло қолишмайди. Дарахтлар бор, яшиллик ҳавонинг мусаффолигини таъминлайди. Ободонлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган.

"Хумо-Зилола барҳаёт" профессионал бошқарув сервис компанияси коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига тадбиркорликни жалб этган ҳолда, яхши даромад кўраётган илк компаниялардан бири. Тадбиркорликни ривожлантириш учун барча қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит ҳам яратилган. Барчаси кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, уни янги босқичга олиб чиқишни назарда тутади.

Компаниямиз жуда катта ҳудудга эга бўлгани учун аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир жойда ўз филиалимизни ташкил қилганмиз. Ҳозирда 4 та филиалимиз бор. Бу эса аҳолини узогини яқин қилиш мақсадида қаратилган. 40 нафар тадбиркорларимиз бор, - деди Жаҳонгир Қодиров. - Ертўлаларимизни ижарага берганмиз. Салонлар, тикув хоналари, домофон ва Акфа ромлари ишлаб чиқариш цехлари, ўриндиқлар ясаш, ҳайкалтарошлик ва ҳоказо йўналишларда фаолият юритаётган тадбиркорларимиз бор. Мазалан, гўзаллик саломи ташкил этганми. Бу ерни тадбиркоримизга ижара асосида берганмиз. Аҳолини рози қилиш учун туну кун хизмат қилишга ҳаракат қилаймиз. 110 нафар ходимларимиз билан халқни муаммосини ҳал этиб, рози қилсақ, мақсадимизга эришган бўламиз.

Мамлакатимизнинг демография ўсиш суръатларини ҳамда кўп қаватли уйлар қурилишининг тобора ортди бораётганини кўрсатиш соҳасида янги замонавий тизимларни ташкил этишни талаб қилмоқда. Бунинг учун етарлича имкониятлар бор. Халқ қорига яраётган коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини янги босқичга олиб чиққан "Хумо-Зилола барҳаёт" профессионал бошқарув сервис компанияси ҳам ўз иш услуби, интизими, тартиби, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очаётгани билан бугун соҳада муносиб ўрин эгалламоқда. Маълумки, аҳоли мурожаатлари ва уларни қийнаётган муаммолар билан ўз вақтида тизимли ишлаш, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, одамларнинг ҳар томонлама қулай шароитларда ашашига эришиш бугунги ислохотлар замиридир. Зеро, тартиб, интизом, чуқур масъулият ҳисси ва халқ розилигига эришишдек юксак мақсад мўжасам ҳар ишда сўзсиз унум ва барака бўлади.



# Янгиҳаётдаги янги масканлар

Аҳдам ЭҒАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Янгиҳаёт туманида қурилишлар авжида, дейиш мумкин. Тумандаги "Янги дархон" МФЙ ҳудудида замонавий боғча ва мактаб қурилиши деярли аяқунланиб қолгани, кўпчиликнинг ҳавасини келтираётганини эшитгандик. Ҳолат билан яқиндан танишиш мақсадида қурилиш объектига бордик. Яширмайман, шаҳар чеккасида жойлашганини ҳисобга олсақ, анча чиройли лойиҳа бўлибди.**

Дастлаб, боғча билан танишдик. 3 қаватдан иборат мактабгача таълим муассаси 360 ўринли, барча шароитларга эга. Ошхона, дам олиш, ётоқ хоналари замонавий талабларга қайд этилади ва улар вазирилик сайтга интеграция қилиб борилади. Мурожаат ўрганилиб, бажарилгани тўғрисида диспетчерга ҳисобот берилади. Бу орқали хизмат сифати янада ошириб борилади. Мутахассисларнинг сифатли фаолият юритиши ҳам доимий назорат қилиб борилади. Компаниянинг маълумотлар базаси ҳам мавжуд бўлиб, унда уй олди-сотди жараёнлари бўлса, уй эгаси келиб маълумотнома олади, бу орқали у нотариусга мурожаат қилиши мумкин. Но-

таништирган Муқаддам Абдурахмонова. - Буни инобатга олиб, болажонлар учун тасвир девори ташкил қилдик. Болажонлар келиб расм чизиб кетишади, улар кетгач ўнчириб ташланади. Бу болажонларнинг шахс сифатида шаклланишига, ичидаги туйғуларини ифодалашига ёрдам беради. Боланинг нафақат танаси, балки руҳи ҳам соғлом бўлиши керак.

Ҳудудда барпо этилган мактаб биноси беш қаватдан иборат бўлиб, 990 ўқувчи учун мўлжалланган. Уни қуриб битказиш учун 45 миллиард сўм маблағ сарфланган ҳамда 3,5 ойда қурилиш ишлари аяқунланган. Кўпчиликда жуда тез қурилибди, сифатсиз бўлса керак, деган тахмин ўтиши мумкин. Аммо қурилиш жараёнида олинган видеоларни кўриб, 3 сменада ташкил қилинган иш сифатига тасанно айтмасликнинг илоҳи йўқ.



Мактабда замонавий ўқув ва фанларга мослаштирилган лаборатория хоналари ҳам мавжуд. Айниқса, очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари, кенг қоридорлар, китоб ўқиш учун мўлжалланган айлана ўриндиқлар кишининг завқининг илоҳи йўқ.

учун тикув ва дурадгорлик хоналари ҳам мавжуд.

Мактаб асосан "Янги дархон" МФЙ ҳудудидаги 24 та кўп қаватли аҳоли фарзандлари учун мўлжалланган, - деди Тошкент шаҳар мактаб ва мактабгача таълим бошқармаси методисти Дилфуза



Тошмуҳаммедова. - Мактабда умумий 191 та хона, 45 та ўқув хонаси мавжуд. Айни пайтда 60 га яқин ходимни ишга олишни мўлжаллаётимиз. Барча ўқитувчилар танлов асосида ишга олинади. Бир сўз билан айтганда, шаҳардаги лифт мавжуд бўлган кам сонли мактаблардан бири.


Ушбу мактаб ва боғча "Ўшаҳар қурилиш инвест" ИК ҳомийлиги ва бюортмачилиги асосида "Land house" МЧЖ пудратчилигида амалга оширилган. Ўйлаймики, тез кунда ушбу таълим муассасалари ишга тушибди, Янгиҳаёт аҳолисини янгиҳа ҳаёт билан таъминлайди.



**1 ОКТЯБРЬ –**  
Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан муборакбод этамиз!

Ватан равнақи йўлида ёшларга билим улашишдан, ўз тажрибангизни ўргатишдан асло чарчаманг, қадрли устозлар.

**«ЎЗНАНАРСОЗЛИК ЛИТИ»**  
давлат унитар корхонаси жамоаси



**QISHLOQQURILISHLOVTA**

*Келажак авлодга, бугунги кун ёшларига касб-ҳунар, илму одоб ўргатиб келаятган барча устоз-мураббийларни касб байрами билан тадриклаймиз.*

*Машаққатли, аммо шарафли касбингизда улкан зафарлар тилаймиз. Сиҳат-саломатлик, қалб хотиржамлиги ва оилавий бахт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.*

# 1 октябрь - Ўқитувчи

## Эътирофга лойиқ инсон

Ҳамза ШУКУРОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, қадимий Самарқандда ва бошқа ҳудудларда амалга оширилаётган хайрли ишларни бугун нафақат мамлакатимиз, балки хорижликлар ҳам эътироф этишяпти. Гўзал Самарқанднинг янада чирой очиши йўлида озмунча ишлар амалга оширилмади? Айнан шундай ҳаракатлар ҳақида сўз юритилганда самарқандлик асл қурувчилар, бунёдкорлар номлари биринчилар қаторида тилга олинади.**



ли уй-жойлар барпо этган. Қурувчилик касбини пухта ўзлаштирган Илҳом ҳожи Рустамов ҳақида республика матбуотида эълон қилинган мақолаларнинг бирида шундай дейилган:

"Худудда барпо этилаётган замонавий кўп қаватли уй-жойлар ҳар қандай кишини ром айлаб, Ватан ичра Ватан тушунчасининг мазмунини англашиб туради. Чунки юз йил илгари қурилган, эски, пастқам, кўрimsиз уйчалар, тор кўчалар ўрнида бу қадар мухташам иморатлар қад ростлаганини нафақат давлатимизнинг инсон омилига ғамхўрлиги, балки янги авлод тадбиркорларнинг беқисс ғайрати, уларнинг етуқлик сари одимлаётганининг ёрқин намунаси, деб эътироф этиш жоиздир".

Қизиқиш туфайли моҳир қурувчи "Elite bulding" компанияси бошлиғи Икромбек Аслонов билан суҳбатлашдик.

– Бугунги яратилган имконият ҳар бир кишидан фаол, чаккон ва интилувчан бўлишни талаб этади. Барча қурилиш участкаларидаги ишларимиз давлатимиз раҳбарининг халқимизни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ташаббуслари ижросини таъминлаш билан бир қаторда сифатли, мустақкам

иншоотлар қуришни таъминлашга қаратилгандир. Шу боис, мавжуд қурилиш ташкилотларида ҳар қандай юмушга қатъият билан ёндашилмоқда. Уйлар лойиҳаларининг мукамал бўлиши, атрофида инфратузилма яратилишини таъминлашга эришиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Бинокорларимизнинг меҳнатда эришаётган ютуқларининг сабаби ҳам шунда.

Тажрибали бунёдкор Илҳом Рустамов айна пайтда ёнига укаси Амиржон Рустамовни олган. Ака-ука қурувчилар ғайрат-шижоати туфайли барпо этилаётган янги уй-жойлар уларга эгалик қилаётганлар қалбига қувонч бахшида этяпти.

Қурувчиликда ўз мактабини яратаятган, кўплаб шогирдлар тайёрлашни йўлга қўйган бунёдкор Илҳом Рустамов ўз оила аъзоларини ҳам қурувчилик касбига қизиқтириб, уларни изидан эргаштира олганлардан. Унинг самарали меҳнатлари доимий равишда қадрланиб келинмоқда. Айна пайтда қурувчи Илҳом Рустамов вилоят ҳокимлигининг бир неча фахрий ёрликлари, раҳматномаларига сазовор бўлган. У 2023 йилда "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан ҳам тақдирланган.

## Ота касбининг давомчиси

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Эътибор берганмисиз, кўпчилик ўқитувчиларнинг фарзанди ҳам келгусида отаси ёки онасининг изидан бориб, устозлик касбини танлайди. Чунки зиёли муҳитда улғайган инсонда ўқитувчилик, билимга иштиёқ ва биланларини ўзгаларга ўргатиш завқи кучли бўлади. Қаҳрамонимиз Шерзод Узоков ҳам ота-онасининг касбини улғуғлаб келаётган ана шундай фарзандлардан биридир.**



У бугунги кунда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, доцент лавозимида ишлаб, ота касбини давом эттириб келмоқда. Отаси Хамид Узоков ҳам 40 йилдан зиёд вақт мобайнида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида турли раҳбарлик лавозимларида, кафедра мудири, кафедра доценти вазифаларида фаолият кўрсатган. Онаси ҳам ўқитувчиликдан пенсияга чиққан.

– Хонадонимизга зиёли инсонларнинг ташири, улар билан ўтган қизгин суҳбатлар сабаб болалигимдан ўқитувчилик касбига меҳрим ортган, – деди Шерзод Узоков. – Институти тамомлашимда бошқа касбда ишлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганман. Чунки ўқитувчилик касбини, аллақачон танлаб бўлганман.

Меҳнат фаолиятини талабалик даврида институтининг Ахборот технологиялари марказида муҳандис-дастурловчи сифатида бошлаган Шерзод Узоков магистратурани битиргач. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси кафедрасида ўқитувчи, кейинроқ эса деярли 11 йил давомида кафедра мудири лавозимида фаолият кўрсатди. Кафедрасида ишлаш мобайнида излашнинг, ўзининг билим ва тажрибасини бойитишдан тўхтамади. Шу орада "Энг яхши педагог" танловига ғолибликни қўлга киритиб, доцент илмий унвонига эга бўлди. Кафедрасидаги фаолият раҳбарият томонидан эътиборга олинди, Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор лавозимига тайинланди.

– Инсон ўзига ўзи объектив ҳақо бериши жуда қийин, – деди қаҳрамонимиз суҳбат давомида. – Ўқитувчининг даражасини энг тўғри ва объектив баҳолай оладиган инсонлар бу талабалардир. Ҳозирча улардан фақатгина миннатдорлик ва ижобий фикрлар эшитганим боис, касбим билан фахрланаман. Ўқитувчи

сифатида мен учун энг олий баҳо, шу аслида. Устозларим ҳақида сўз кетганда, биринчи навбатда, менда шу касбга меҳр уйғотган инсон – отам деб биламан. Ҳозирда ҳаёт бўлмасда, у кишининг ҳар бир маслаҳати ва насиҳатини кундалик иш фаолиятимда доимо кўллаб келмоқдаман.

15 йилдан буён архитектура ва дизайн йўналишида талабаларга сабоқ бериб келаётган Шерзод Узоковнинг шогирдлари бугун республикамизнинг турли вилоятларида архитектура, қурилиш соҳасида етакчи мутахассис, раҳбар бўлиб ишламоқда. Шогирдларининг ҳар бир ютуғини ўз ютуғидек қувонч билан қабул қиладиган қаҳрамонимиз бу нарса унинг келгуси фаолиятига улкан мотивация беришини ҳам алоҳида таъкидлади.

Ўқитувчи, умуман, устозга хос хусусиятлар ҳақида сўраганимизда, Шерзод Узоков шундай жавоб берди:

– Ўқитувчи талабаларнинг ҳис-туйғулари, эҳтиёжлари ва муаммоларини тушуниши ва уларни тинглай олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Уларни рағбатлантириши, ўқув жараёнида фаол иштирок этишига ундаши керак. Қолаверса, сабр-тоқат қийинчиликларни енгиб ўтиш ва таълим беришда хотиржамликни сақлашга имкон беради. Ўқитувчи доимо талабаларга, уларнинг шахсий фикрига, дунёқарошига ҳурмат билан қарashi керак.

Шерзод Узоков каби умидли ва интилувчан устозлар бор экан, келгусида юртимиз бунёдкорлик соҳаси бугунгиданда ёрқинроқ бўлиши, шубҳасиз.

Ўқитувчи ва мураббийлар кўни СамДАКУдаги барча устозларга муборак бўлсин!

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

### 1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ.

ШУ ЖУМЛАДАН, УСТОЗ ҚУРУВЧИЛАР, ЛОЙИҲАЧИ ВА МЕЪМОРЛАР, СОҲАДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИГА КАСБ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН. КЕЛГУСИ ФАОЛИЯТИНГИЗДА УЛКАН ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ.



## Фидойилик тимсоли

**Умр йўлимизда ҳар бир учраган инсон қайсидир жиҳати билан бизга ўрнат, намуна бўлади. Улардаги билим ва заковатдан ташқари, инсоний фазилатлар ҳам бизни ўзига жалб қилса ажаб эмас. Бугун қурилиш саноати кенг миқёсда ривожланаётган юртимизда соҳага малакали кадрлар тайёрлаб бериш масаласига ҳам жиддий эътибор қартилмоқда. Олий таълим даргоҳларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилардан ҳам шунга мос равишда ривожланиш, ўз йўналиши бўйича юқори малакага эга бўлиш талаб этиляпти.**



жонфуқаролойиҳа" МЧЖ бош муҳандиси сифатида қурилиш, реконструкция қилиниши белгиланган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари, турар жой бинолари ҳамда тадбиркорлик субъектлари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш объектларининг лойиҳасмета ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этган.

Бугунги кунда у қурилиш соҳасидан ажралмаган ҳолда Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтида бўлажак қурувчиларга ўз тажрибасию билимини ўргатиб келмоқда. Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти Вазирилар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 516-сонли қарорига асосан ташкил этилган. Институтининг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиёт ва қурилиш соҳаси бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган, рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборат.

Айна пайтда Б. Мирзаев мазкур олий билим даргоҳида "Марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш ишларида риск бошқарувини такомиллаштириш" мавзусида илмий фаолият билан шуғулланиб келмоқда. Шунингдек, юртимиздаги ва хориждаги нуфузли газета ва журналларда унинг қатор илмий мақолалари чоп этилмоқда. Талабаларга сабоқ бериш ва илмий изланишлардан ташқари, у киши вилоятда Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган "Янги Андижон" шаҳарчаси ва "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиш ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Хусусан, унинг Андижон вилоятида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва реконструкция қилиш объектларининг шаҳарсозлик ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда ёш кадрлар билан мунтазам иш бораётганини алоҳида таъкидласак, арзийди. Ишлаб чиқаришда ҳам, таълим жараёнида ҳам устоз-шогирд аъёналарини давом эттириб, кўплаб ёшларга ўз тажрибасини ўргатиб келаётган маъсулиятли инсоннинг шогирдлари ҳам ўзига муносиб. Улар орасида Лочинбек Абдуқошимов, Жавоҳир Солижонов, Давлатбек Ҳасановлар бугун устозининг муносиб издоши сифатида вилоят бунёдкорлик соҳасида фаолият юритиб келмоқда. Қолаверса, унинг раҳбарлигида "Қурилиш муҳандислиги" кафедрасининг иқтидорли талабалари Сардор Абдуғаниев, Саидислом Абдумухторов, Улугбек Абдуғофуров, Алимардон Зокиржоновлар республика ўқув-семинар ва конференцияларида фаол қатнашиб келмоқда.

Талабалар билан ишлаш, уларнинг илм-фанга, касбга бўлган қизиқиши ва иқтидорини тўғри йўналтириш бўйича маслаҳат ҳамда кўрсатмаларини аямайдиган Бахтиёр ака каби юртимиздаги барча фидойи устозларни касб байрами билан биз ҳам табриклаймиз.

# Ва мураббийлар куни

## Шундай шараф ҳар биримизга насиб этсин!

Зафар АБДУВАЛИЕВ,  
ТАҚУ таълим сифатини назорат  
қилиш бўлими бошлиғи.

Ҳаётда ҳар бир инсоннинг устози бўлади. Бу илм олиш, касб танлаш, йўл-йўриқ кўрсатиш, тўғри маслаҳат бериш каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Аммо тан олиш лозим, устозларга умримизнинг ҳар дамида эҳтиёж сезамиз, уларнинг борликлари, ёнимизда бизга далда бўлиб турганининг ўзи катта куч бағишлайди. ТАҚУдаги фаолиятим давомида кўплаб устозларнинг сабоқларини олиб, кам бўлмадим. Гарчи бугун ўзим талабаларга илм бериб келаётган бўлсамда, ҳамон устозларнинг маслаҳат ва тавсияларига эҳтиёж сезаман.



Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан ана шундай устозларим ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. 64 йилдан бунён таълим соҳасида фаолият юритиб, қурилиш материаллари ва буюмлари, қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлари йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бораётган олим сифатида юртимиз бунёдкорлик соҳасига муносиб кадрларни етиштириб беришга ўз хиссасини қўшиб келаётган устозлардан бири – Бахтиёр Асқаровдир. Устоз 2018 йилдан ҳозирга қадар Қурилиш материаллари технологияси кафедрасида талабаларга илғор педагогик технологиялар асосида билим бериб келмоқда.

Унга қадар Бахтиёр Асқаров "Киев-горстрой-4" трести қурилиш бошқарув-15 дублер ишлаб чиқарувчиси, Тошкент политехника институти тадқиқотчи-стажери, кундузги бўлим аспиранти, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш кафедраси муҳандиси, темир-бетон ишлаб чиқариш кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси, доцент, кечки-сиртки ўқув шакли қурилиш факультети декани, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш кафедраси мудири, саноат ва фуқаро қурилиш факультети декани, муҳандислик-қурилиш факультети декани лавозимларида фаолият юритган.

Бахтиёр Асқаров 1991-2005 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори, 2005-2006 йилларда йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш кафедраси мудири, 2006-2012 йилларда "Ўздуробит-та" хорижий корхонаси қурилиш ва қўчмас мулк бўйича департамент директори, 2019-2023 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институти Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси профессори лавозимларида ҳам ишлаган. 2023 йилдан ҳозирга қадар устоз Қурилиш материаллари технологияси кафедраси профессори сифатида ишлаб келмоқда.

Устознинг илмий-тадқиқотлар юзасидан 190 дан ортиқ илмий иши мавжуд бўлиб, улардан 2 таси монография ва 4 нафари Scopus базасига кирган журналларда чоп этилган. 110 таси илмий мақола, 28 таси нуфузли хорижий илмий журналларда нашр этилган. Охириги 3 йил мобайнида 20 дан ортиқ илмий иши, шундан, 16 таси хорижий нашрларда чоп қилинган. У 6 та патент ва 2 та дастурий маҳсулотнинг муаллифи. Бахтиёр Асқаров илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида 9 та давлат гранти асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Шундан, ҳозирда 1 та (ёшлар амалий ва стартап инновацион) лойиҳага раҳбарлик қилиб келмоқда.

ҳам 2 нафар илганувиға илмий раҳбарлик қилиб келмоқда.

Устознинг таълим соҳасидаги хизматлари муносиб эътироф этилиб, 2001 йил "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони, 2001 йилда "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган архитектор" фахрий унвони, 2023 йил "Меҳнат фахрийси" нишони билан тақдирланган.

Б. Асқаров Тошкент архитектура қурилиш университетида ректорлик даврида чет эллардаги илмий ва ўқув марказлари билан ҳамкорлик қилишга катта эътибор берган. Хусусан, Германия, Қоҳира ва Ал-Мансур университетлари ва Исроилнинг "Технион" университети билан яқин алоқа ўрнатган. У Москва шаҳридаги Халқаро Муҳандислар Академиясининг (2001 й), Турон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади. Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли илмий кенгашининг раиси ҳамда DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси вазифасида ҳам ишлаб келмоқда.

Фидойи устозларимдан яна бири – Тошкент архитектура-қурилиш университети Иқтисодиёт кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори Акбарали Джабриевдир. У 1971 йили Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти тямомлаб, "Ўзқоопстроймонтаж" қурилиш ташкилотига стажер-мастер сифатида иш бошлаган. 1972 йилдан СамДАҚИнинг қурилиш-ни ташкил этиш ва бошқариш кафедрасига ишга кириди. 1976 йилда Москва қурилиш институтига аспирантурага кириб, кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди ва яна СамДАҚИга ишга қайтди.

докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994-1996 йилларда ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор, 1997-1998 йилларда Вази́рлар Маҳкамасининг ижтимоий мажмуасида муди́р, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори лавозимларида ҳам фаолият юритган.

Акбарали Джабриев 2013 йилдан ҳозирга қадар Тошкент архитектура-қурилиш университетида профессор лавозимда ишлаб келмоқда. Унинг муаллифлигида 200 дан ортиқ илмий ишлар нашр этилган. Жумладан, 1 та дарслик, 4 та монография, 5 та ўқув қўлланма ва чет эл журналларида чоп этилган мақолалари шулар жумласидандир. Устознинг илмий раҳбарлигида 4 та номзодлик, 5 та фалсафа доктори PhD, 30 дан ортиқ магистрлик диссертацияси ҳамда 90 дан ортиқ битирув малакавий иши ҳимоя қилинган. Ҳозирги кунда 3 та докторантнинг илмий ишига раҳбарлик қилиб келмоқда.

1999 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, 2001 йилда "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирланган устоз ўз соҳасининг етак мутахассиси, жонқуяр ходим, моҳир педагог сифатида шогирдлари ҳурмати қозониб келмоқда. Қолаверса, у ўз касбига меҳр қўйган, юқори маданиятли, соҳасининг профессионали сифатида ҳамкасбларининг ҳам эътирофига сазовор инсон.

Айтиши керакки, мамлакатимиздаги уй-жойлар, инфратузилма объектлари, коммунал соҳа ва ижтимоий объектларнинг сифатли ҳамда мукамал барпо этилиши бевосита соҳада малакали кадрларга эҳтиёжни оширади. Бу шарафли вазифани бажаришга Бахтиёр Асқаров ва Акбарали Джабриев каби университетимиздаги барча педагог ходимлар ўз хиссасини қўшиб келаётганидан фахрланамиз. Зеро, ана шундай устозлик шарафи ҳар биримизга насиб этсин.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таълим соҳасининг барча фидойи устозларига муборак бўлсин!

## “Устозим сабаб архитектор бўлдим”

Муродбек ҲАЙДАРОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бир улғу зот куйдаги воқеани айтиб берган эканлар. Шайх ул-Исмоил, буюк имом, шамс ул-аймма ҳазрати Ҳалвоний маълум бир сабаб туфайли Бухоройи шариф атрофидаги қишлоқларнинг бирида бир неча кун яшаганлар.



Шогирдларидан Шайх ул-Исмоил, Қози Абу Бакр аз-Заранжий ҳазратларидан бошқа барчалари келиб, устозларини зиёрат этидилар. Кунларнинг бирида устоз бу шогирдни учратиб қолиб:

– Нега мени зиёратимга келмадинг? – дея маломат билан кўнгилларидаги муҳаббатнинг дарз кетганига ишора қилдилар.

– Мен мунис онажонимнинг хизматлари билан машғул бўлиб, зиёратингизга кела олмадим, – деб узр сўрадилар.

– Умрингизнинг узок бўлишига насиба олибсиз, аммо илмингиз равнақи, дарсингиз ривожини ризқлангир олмасиз, бу насибадан бебаҳра қолибсиз, – деган эканлар устоз.

Биз ҳам куйда бир устоз ва шогирд ҳикоясини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида фарғоналик тажрибали архитектор Исмоил Долимов билан қилган суҳбатимизни эълон қилган эдик. Ушанда Исмоил ака ўзининг шогирди тўғрисида гапириб ўтганди. Мана, орадан вақт ўтиб, биз у кишининг шогирди билан ҳам кўришиб, суҳбатлашдик.

Бир пайтлар Исмоил Долимовдан сабоқ олган Муроджон Курбанов ҳозирда анча йиллик тажрибага эга архитектор. 34 ёшни қарши олган Муроджон ака ҳозирда Тошкент шаҳридаги "ARCHITECTURAL ERA" лойиҳалаш фирмасида бош архитектор сифатида фаолият олиб бормоқда. Уларнинг учрашиб қолиб, устоз-шогирд муносабатига киришиши тасодифдан бошланади. Келинг, буни қаҳрамонимизнинг ўзидан эшитамиз.

– Мактабда ўқиб юрган кезларим расм чизишга қизиққанам учун турли танловларда қатнашардим, – деди Муроджон Курбанов. – Аммо келгусида архитектор бўлиш ҳақида ҳеч ўйламаганман. Урта мактабни тямомлаганимдан сўнг касб-хунар коллежга ҳужжат топшириш учун онам билан Фарғона шаҳрига йўл олдик. Йўналишли транспортда Исмоил акани учратиб қолдик. Қўлимдаги расмларимни кўргач, у киши агар хоҳласам, коллежга кирганимдан кейин унга шогирд бўлишим мумкинлигини айтди.

Шундай қилиб, у киши сабаб архитектура соҳасига қизиқишим ортиб бораверди. Исмоил ака мени ишонасига олиб бориб, у ердаги иш жараёни билан ҳам таништирди. Устозим чизмаларни қоғозга чизар ва уни бошқа киши компьютердаги махсус дастурга ўтказарди. Компьютерга ҳам қизиқишим туфайли уша дастурини 3-4 ой ичида ўргандим. Кейин устозимнинг чизмаларини мен дастурга ўтказадиган бўлдим.

Муроджон Курбанов 2008-2013 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институтида тахсил олади. Етарлича билим ва тажрибаси бўлганилиги боис, олийгоҳда ўқиш давомида ҳам ўз соҳаси бўйича ишлаб боради. Касбга тааллуқли билимларини янада кенгайтириб, олийгоҳни тямомлагандан кейин то ҳозирга қадар кўплаб жойларда архитектор ва муҳандис сифатида фао-


лият юритди. Хусусан, "Строй-проект", "УзГАНКЛИТИ", "Golden Project", "Enter Tourism", "Mabetex Group", "AR Design" каби маҳаллий ва хорижий компаниялар шулар жумласидандир. Муроджон ака ҳозирда ҳам ўз устида ишлашдан тўхтагани йўқ. У Заха Ҳадид, Антонио Гауди каби етук хорижлик архитекторларнинг ишларини кузатиб, янги билимлар орттиришга ҳаракат қилади.

– Устозимдан архитектурага оид билим ва кўникмалардан ташқари, ҳаётий сабоқлар ҳам олдим, – деди қаҳрамонимиз. – У кишининг менга энг ёқадиган хислати шуки, бир ишни бошласа, охиригача битказмасдан қўймайди. Устозларга ҳам билмаганларини эринмасдан тушунтириб, керак бўлса, ўзлари ўша ишни бажариб, кўрсатиб беради. Бундан ташқари, устозим жуда ҳам қатъиятли, яъни тўғри деб билган фикрида ҳамиша собит туради.

Инсонлар ўртасида ўрнатиладиган муносабатларнинг энг давомийси – бу устоз-шогирдликдир. Айтилиж, қалин дўстлар ҳам қаттиқ жанжаллашиб, бир-бирдан кўнгли совиса, улар орасидаги муносабат дарз кетади. Ёки биров билан ака-ука ёхуд опа-сингил тутиндингиз. Улар билан ҳам қандайдир ноҳуш ҳолат юз берса, бу муносабатлар ҳам ниҳоясига етиши мумкин. Аммо ҳар қанча кўнгилсизлик, бир-бирдан ранжиш бўлса ҳам, устоз абадий устоздир, шогирд абадий шогирддир.

ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ  
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ  
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
ИНСПЕКЦИЯСИ

ФИДОЙИ УСТОЗ ВА  
МУРАББИЙЛАРИМИЗНИ,  
БУНЁДКОРЛИК СОҲАСИГА  
МУНОСИБ КАДРЛАР  
ТАЙЁРЛАБ БЕРАЁТГАН  
УСТОЗЛАРНИ БУГУНГИ  
КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН  
САМИМИЙ МУБОРАКБОД  
ЭТАМИЗ!  
УЛАРГА БУ ШАРАФЛИ  
ЙЎЛДА КУЧ-ҚУВВАТ,  
САБР-МАТОНАТ ВА  
СЎНМАС ҒАЙРАТ ТИЛАЙМИЗ.



## ШНҚ 2.04.07-22 “ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ” ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

3-жадвал	
Биноплар, иншоотлар ва муҳандислик тармоқлари	Энг қисқа оралиқ масофа, м
<b>Иссиқлик тармоқларини ер остидан ўтказилганда</b>	
Биноплар, иншоотларнинг пойдеворига:	
а) чўкмайдиган грунтларда каналлар ва тунеллар орқали ўтказилганда (канал ва тунелнинг ташқи бетон деворидан):	
- қувурнинг шартли диаметри $D_{ш}$ - 500 мм дан кичик бўлганда;	2,0
- $D_{ш}$ - 500-800 мм бўлганда;	5,0
- $D_{ш}$ - 900 мм ва ундан ортиқ бўлганда.	8,0
б) чўкмайдиган грунтларда каналсиз ўтказилганда (қувур изоляцияси сиртидан):	
- қувур диаметри $D_{ш}$ - 500 мм дан кичик бўлганда.	5,0
- $D_{ш}$ - 500 мм ва ундан ортиқ бўлганда.	7,0
Рельслар орасидаги масофа 1520 мм бўлганда энг яқин темир йўл изининг ўқиғача	4,0
(қамида иссиқлик тармоғи трансъевсининг тубидан темир йўл асосигача бўлган масофадан кам эмас)	
Рельслар орасидаги масофа 750 мм бўлганда	3,8
Энг яқин темир йўлнинг ер тўшамаси иншоотига	
3,0 (бирок иссиқлик тармоғи трансъевсининг тубидан энг четки иншоотнинг асосигача бўлган масофадан кам эмас)	
Электрлаштирилган темир йўлнинг энг яқин изининг ўқиғача	10,75
Энг яқин трамвай изининг ўқиғача	2,8
Кўча ва йўлнинг бордюр тошига (катнов қисми чет қирғоғи, йўлнинг мустаҳкамланган четки қисмига)	
Кюветнинг ташқи чети ёки тайёрланган йўл асосига	1,5
Кюветнинг ташқи чети ёки тайёрланган йўл асосига	1,0
Қувурларни тўсиқлари ва таянчларининг пойдеворига	1,5
Ташқи ёритиш ва алоқа тармоқларининг маҷталари ва устунларига (столба)	1,0
Кўприклар ва йўл ўтказгичлар таянчларининг пойдеворига	2,0
Темир йўл контакт симларининг таянчлари пойдеворига	3,0
Шунинг ўзи, трамвай ва троллейбуслар учун	1,0
Кучланиши 35 кV бўлган кучланиш ва назорат кабеллари ҳамда мой тўлдирилган кучланиши 110 кV бўлган кабелларга	2,0 (мазкур ШНҚнинг 1-иловада келтирилган)
Ҳавода ўтказилган электр симлари устунларининг пойдеворига, қуйидаги кучланишлар кV учун: (яқинлашганда ёки кесиб ўтганда)	
1 гача;	1,0
1 дан ортиқ 35 гача;	2,0
35 дан ортиқ.	3,0
Телефон коммуникацияси блокига ёки қувурлар ичидаги зирланган кабелга ва радио эшиттириш кабелларига	1,0
Сув қувурларига:	
чўкмайдиган грунтларда;	1,5
1 тоифадаги чўқадиган грунтларда.	2,5
Дренаж ва ёғмир канализациясига	1,0
Ишлаб чиқариш ва маиший оқова сув тизимига	1,0 (ёпиқ иссиқлик тизими учун)
Иссиқлик тармоқлари каналларда, тунелларда, шунингдек бир йўналишдаги дренаж билан каналсиз ўтказилганда босими 0,6 МПа бўлган газ қувурларига	
Босими 0,6 дан 1,2 МПа гача бўлганда	2,0
Бир йўналишда ўтказилган дренаж қувурлари бўлмаган иссиқлик тармоқлари каналсиз ўтказилганда босими 0,3 МПа бўлган газ қувурларига	4,0
шунинг ўзи, босим 0,3 дан 0,6 МПа гача	1,0
шунинг ўзи, босим 0,6 дан 1,2 МПа гача	1,5
Дарахтларнинг танасига	2,0
Буталарга	1,0
Турли вазифаларни бажарувчи канал ва тунелларга (шу жумладан сугорув тармоқлари - ариқларга)	
Ташқи елимланган изоляцияга эга метрополитен иншоотларига	2,0
Ташқи елимланган изоляцияга эга метрополитен иншоотларига	
5,0 (бирок иссиқлик тармоқлари трансъевсининг чуқурлигидан кам эмас)	
Ташқи елимланган изоляцияга эга бўлмаган метрополитен иншоотларига	
8,0 (иссиқлик тармоқлари трансъевсининг чуқурлигидан иншоот асосигача бўлган чуқурлигидан кам эмас)	
Ер устидаги метрополитен йўлларининг тўсиқларига	
5,0	
<b>Иссиқлик тармоқлари ер остидан ўтказилганда</b>	
Темир йўлларни тупроқли асосларининг энг яқин иншоотларига	3,0
Оралиқ таянчлар орасидаги темир йўл изларининг ўқиғача (темир йўллар кесиб ўтганда)	Габаритлар "С", "Сп", "Су" ГОСТ 9238 ва ГОСТ 9720 бўйича
Энг яқин трамвай йўлининг ўқиғача	2,8
Автомобиль йўлининг энг четки тўсиқ тоши ёки кюветнинг ташқи четига	
0,5	
Электр узатиш линияларидаги, қуйидаги кучланишларга эга ҳаводан ўтган симларнинг энг катта салқинган масофасига, кV:	
1 кV гача	1,0
1-20	3,0
35-110	4,0
150	4,5
220	5,0
330	6,0
500	6,5
Дарахт танасига	
0,5	
Сувли иссиқлик тармоқлари, шартли босими $P_{ш}=0,63$ МПа ва ундан кичик бўлган буғли тизимлар ва конденсат тармоқлари учун турар жой ва жамоат биноларига шартли диаметри қуйидагича бўлган тақдирда оралиқ масофа	
$D_{ш}$ 500-1400 мм	25
$D_{ш}$ 300 дан 500 мм	20
$D_{ш}$ 200 дан 300 мм	15
$D_{ш}$ 200 мм дан кам	10
Иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун шунинг ўзи буғли иссиқлик тармоқлари учун: босими $P_{ш}$ 0,63 дан 2,5 МПа гача бўлганда	
босими $P_{ш}$ 2,5 дан 4,0 МПа гача бўлганда	5,0
	3,0
	4,0
<b>Изохлар:</b>	
агарда иссиқлик тармоқларини кабеллар билан яқинлашган соҳаларида ва кабель ўтган жойларидаги тупроқ ҳарорати (иклимий маълумотларга кўра олинади) кучланиши 10 кV бўлган кучланиши ва назорат кабеллари учун йўлнинг инсталланган вақтидаги ўртача ойлик ҳароратидан 10°С дан, кучланиши 20-35 кV бўлган кучланиши ва назорат кабеллари ва 110 кV ли мой тўлдирилган кабеллар учун 5°С дан ортиқ бўлмаसा ушбу жадалда келтирилган масофаларни қисқартиришга йўл қўйилади;	
иссиқлик ва бошқа муҳандислик тармоқлари унумий трансъевларда ўтказилганда (бир вақтнинг ўзиде курилганда) барча тармоқлар бир сатхта ёки орасидаги фарқ 0,4 м дан кичик қилиб жойлаштирилганда иссиқлик тармоқларидан сув қувурлари, дренаж ва оқова сув қувурларига бўлган масофани 0,8 м гача қайтаришга йўл қўйилади;	
таянчлар, биноплар ва иншоотларнинг асосий пойдеворларидан пастроқда ўтказилган иссиқлик тармоқлари учун қўшимча равишда тупроқнинг табиий қиялигини ҳисобга олган ҳолда ўтказилаётган сатхларнинг фарқи ҳисобга олиниши лозим ёки пойдеворларини мустаҳкамлаш учун чора-тадбирлар назарда тутилиши керак;	
параллел равишда ер устидан ўтказилган иссиқлик ва бошқа муҳандислик тармоқларини турли чуқурликларда ўтказилганда ушбу жадалда келтирилган масофалар ортиси лозим ва тармоқлар ўтказилган сатхларнинг фарқидан кам қабул қилинмаслиги керак. Тор шароитларда ва оралиқ масофаларни ошириш имконияти бўлмаганда, таъминлаш ва иссиқлик тармоқларини қуриш вақтида муҳандислик тармоқларини босиб қолишдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш лозим;	
иссиқлик ва бошқа муҳандислик тармоқлари параллел равишда ўтказилганда тармоқдаги иншоотларга (қудуқлар, камералар ва х.к) бўлган масофани, қурилиш монтаж ишлари олиб борилаётган вақтларда иншоотларни талафотсиз ҳолда сақлаб қолиш чораларини кўриш вақтида ушбу жадалда келтирилган қийматлардан 0,5 м гача қайтаришга йўл қўйилади. Шу билан бирга ер ости иссиқлик тармоқларининг камералари ва туйуқларининг ташқи юзларидан газ қувурига бўлган масофалар ушбу жадалда келтирилган масофалардан КМҚ 2.04.08 бўйича аниқлаштирилиши мумкин;	
максус алоқа кабелларига бўлган масофани гидроий қурилиш нормалари бўйича аниқлаштириш лозим; ер усти иссиқлик тармоқларини кучланиши 1 кV дан 500 кV гача бўлган электр узатиш тармоқлари бўлган параллел равишда ўтказилганда, ақоли истиқомат қилмайдиган ҳудудларда энг пастиқ синдан иссиқлик тармоқига бўлган масофа таянч баланглигидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.	

### ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 9-илова

#### СУВЛИ ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИНГ СУВНИ ТЎКИШ ЖИҲОЗЛАРИ ДИАМЕТРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ

Бир йўналишда нишабликка эга, сувли иссиқлик тармоқларини секцияга ажратилган участкасидан сувни тўкиш учун штуцер ва беркитувчи арматуранинг диаметри  $d$  қуйидаги формула орқали аниқланади

$$d = d_{ред} \cdot m \cdot n \cdot \sqrt{\frac{\Sigma l}{l_{ред}}}, \quad (1)$$

Бу ерда  $d_{ред}$ ,  $\Sigma l$ ,  $l_{ред}$  - мос равишда келтирилган диаметр, м, участканинг умумий узунлиги, м, ва секцияга ажратилган қувурнинг келтирилган нишаблиги;

$$d_{ред} = (d_1 l_1 + d_2 l_2 + \dots + d_n l_n) / \Sigma l, \quad (2)$$

$$l_{ред} = (l_1 l_1 + l_2 l_2 + \dots + l_n l_n) / \Sigma l; \quad (3)$$

бу ерда:  $l_1, l_2, \dots, l_n$  - нишаблиги  $i_1, i_2, \dots, i_n$  бўлган  $d_1, d_2, \dots, d_n$  диаметрга эга, алоҳида ҳар бир участка қувурининг узунлиги, м;

$m$  - венти́ллрар учун қабул қилинган арматура сарфи коэффициенти, венти́ллрар учун  $m = 0,0144$ , зулфинлар учун  $m = 0,01$ ;

$n$  - сувни тўкишни давом этиш вақтига боғлиқ бўлган коэффициент,  $n$ :

$t = 1$  соат бўлганда  $n = 1$ ;  
 $t = 2$  соат бўлганда  $n = 0,72$ ;  
 $t = 3$  соат бўлганда  $n = 0,58$ ;  
 $t = 4$  соат бўлганда  $n = 0,5$ ;  
 $t = 5$  соат бўлганда  $n = 0,45$ .

Сувни тўкувчи жиҳозлар иссиқлик тармоғини қуйи нуқтасида жойлашганда штуцер ва беркитувчи арматура диаметри  $d_{ер}$ , м, қуйидаги (4) формула бўйича аниқланади

$$d_{ер} = \sqrt{d_1^2 + d_2^2}, \quad (4)$$

бу ерда,  $d_1, d_2$  - иссиқлик тармоғи участкаларининг қуйи нуқталарига уланган ҳар бир участка учун алоҳида ушбу илованин (1) формуласи билан аниқланган штуцерлар ва арматуралар диаметрлари, м.

Иссиқлик тармоқларини секцияларга ажратилган участкаларидаги сувли иссиқлик тармоқларидаги сув ёки конденсат қувурларидаги конденсатни тўкиш учун ўрнатиладиган беркитувчи арматуралар ва штуцернинг ички шартли диаметри:

Қувурнинг ички шартли диаметри, мм	65 гача	80-125	150	200-250	300-400	500	600-700	800-900	1000-1400
Сув ёки конденсатни тўкиш учун арматура ва штуцернинг ички шартли диаметри, мм	25	40	50	80	100	150	200	250	300

### ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 10-илова

#### ҲАВОНИ ЧИҚАРИШ, СУВНИ ТЎКИШ ВА СИҚИЛГАН ҲАВОНИ УЗАТИШ УЧУН ШТУЦЕР ВА АРМАТУРАЛАРНИНГ ШАРТЛИ ИЧКИ ДИАМЕТРИ

Қувурнинг шартли ички диаметри, мм	25-80	100-150	200-300	350-400	500-700	800-1200	1400
Ҳавони чиқариш учун штуцер ва арматураларнинг шартли ички диаметри, мм	15	20	25	32	40	50	65

#### Сувни тўкиш ва гидропневматик ювишда сиқилган ҳавони узатиш учун штуцер ва арматураларнинг шартли ички диаметри

Бўғ қувурининг шартли диаметри, мм	50-80	100-150	200-250	300-400	500-600	700-900	1000-1400
Сувни тўкиш учун штуцер ва арматураларнинг шартли ички диаметри, мм	40	80	100	200	250	300	400
Сиқилган ҳаво учун, мм	25	40	40	50	80	80	100
Бир қувурдан иккинчи қувурга ўтказувчи қувурнинг шартли диаметри (переничка), мм	50	80	150	200	300	400	500

### ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 11-илова

#### БУҒ ҚУВУРЛАРИНИНГ ИШГА ТУШИРИШ ВА ДОИМИЙ ДРЕНАЖИ УЧУН ШТУЦЕРЛАР ВА АРМАТУРАЛАРНИНГ ИЧКИ ШАРТЛИ ДИАМЕТРИ

Бўғ қувурининг ички шартли диаметри, мм	65 гача	80-125	150	200-250	300-400	500-600	700-800	900-1000	1200
Бўғ қувурларини ишга тушириш дренажи учун штуцер ва арматураларнинг шартли ички диаметри, мм	25	32	40	50	80	100	150	150	200

#### Бўғ қувурларини доимий дренажи учун штуцерларнинг ички шартли диаметри

Бўғ қувурининг ички шартли диаметри, мм	25-40	50-65	80	100-125	150	200-250	300-350	400	500-600	700-800	900-1200
Штуцернинг ички шартли диаметри, мм	20	32	40	50	80	100	150	200	250	300	350
Дренаж қувурининг ички шартли диаметри, мм	15	25	32	32	40	50	80	80	100	150	150

### ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 12-илова


#### ҚУВУР ТАЯНЧЛАРИГА ТУШАЁТГАН ЮКЛАМАЛАРНИ АНИҚЛАШ

1. Қувур таянчига тушаётган меъёрий тик (вертикал) юкларини  $F_y$ ,  $N$  қуйидаги (1) формулага мувофиқ аниқлаш лозим

$$F_y = G_y \cdot l, \quad (1)$$

бу ерда,  $G_y$  - қувурнинг иссиқликни изоляцияловчи конструкциясини, қувур ичидаги сувени ва қувурнинг ўз огирлигини ўз ичига олган 1 м узунликдаги қувур огирлиги, (буғ қувурлари учун гидравлик синовдаги сувнинг огирлиги олинади), N/м;  
 $l$  - қўзғалувчан таянчлар орасидаги масофа, м.

**Изохлар:**  
 $D_{ш} = 400$  мм ва ундан ортиқ бўлган буғ қувурларига хизмат кўрсатиш учун ўтиб бўладиган жойларидаги пружинали таянчлар ва илгичларини тик юкларининг ҳисоблашда гидравлик синовдаги сув огирлигини эътиборга олмаб ҳисоблашга йўл қўйилади. Гидравлик синов вақтида таянчлар юкларининг енгиллаштирувчи махсус мосламалар кўзда тутилиши лозим. Таянчли қувурлар тугунида жойлаштирилганда қўшимча равишда, беркитувчи ва дренаж арматуралар, компенсаторлар огирлигини, шунингдек ушбу таянчга тушаётган ёндош тармоқларини қувурларининг огирлигини ҳисобга олиш лозим. Юкларлар схемаси қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1 - қувур;  
2 - қувурнинг қўзғалувчан таянчи.

2. Қувурларнинг қўзғалувчан таянчларига, таянчлардаги ишқаланиш кучларидан тушаётган горизонтал бўйича ўқ бўйлаб таъсир этадиган меъёрий юклар  $F_{гх}$ ,  $N$  ва ёнбошдан таъсир этадиган  $F_{гy}$ ,  $N$ , юкларлар қуйидаги (2 ва 3) формулалар билан аниқланади:

$$F_{гх} = \mu_x \cdot G_y \cdot l, \quad (2)$$

$$F_{гy} = \mu_y \cdot G_y \cdot l, \quad (3)$$

бу ерда,  $\mu_x, \mu_y$  - таянчлардаги, мос равишда қувурнинг ўқи бўйлаб ва ўққа нисбатан бурчак остида сиқилишдаги ишқаланиш коэффициенти қуйидаги 1-жадвалдан олинади.

$G_y$  - қувурнинг иссиқликни изоляцияловчи конструкциясини, қувур ичидаги сувени ва қувурнинг ўз огирлигини ўз ичига олган 1 м узунликдаги қувур огирлиги, (буғ қувурлари учун сувнинг огирлиги олинмайди), N/м.

#### Ишқаланиш коэффициенти (пўлат бўйлаб)

Таянч турлари	Ишқаланиш коэффициенти	
	$\mu_x$	$\mu_y$
Сирпанувчан	0,3	0,3
Ғалтакли	0,1	0,3
Шарикли	0,1	0,1
Қаттиқ илмоқлар	0,1	0,1

**Изох:** сирпанувчан таянчлар ва қувурлар орасида қистирмалар фторопласт қўлланилса ишқаланиш коэффициенти 0,1 га тенг қилиб олинади.

Тортиш узунлиги маълум бўлганда бикирли илгак учун ишқаланиш коэффициенти қуйидаги (4) формула бўйича аниқланади:

$$\mu_x = 0,5 \cdot \Delta l / l_x, \quad (4)$$

бу ерда,  $\Delta l$  - қўзғалмас таянчдан компенсаторгача бўлган участкадаги ҳарорат натижасида қувурнинг узайиши, мм;  
 $l_x$  - ишчи тортиш узунлиги, мм.

3. Горизонтал ёнбош юкларлар уларнинг таъсир йўналишини ҳисобга олган ҳолда эгилувчан компенсаторлар остида, шунингдек бурилиш бурчидан ёки эгилувчан компенсатордан қувурнинг камида 40  $D$ , га тенг масофада жойлашган таянчларни ҳисоблашда эътиборга олиниши керак.

4. Қувурларнинг қўзғалмас таянчларига горизонтал бўйича тушаётган меъёрий юкларини аниқлашда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

а) Қўзғалувчан таянчлардаги ишқаланиш кучи  $N$ ,  $N$ , қуйидаги (5) формула бўйича аниқланади:

$$N^{рр} = \mu \cdot G_h \cdot L, \quad (5)$$

бу ерда,  $G_h$  - ишчи ҳолатдаги 1 м қувурнинг огирлиги (2-6), N/м;  
 $L$  - қўзғалмас таянчдан компенсаторгача ёки ўз-ўзини компенсациялаганда бурилиш бурчигагача бўлган масофа, м;

$\mu$  - қувурларнинг қўзғалувчан таянчларидagi ишқаланиш коэффициенти.

б) Сальникли компенсаторлардаги ишқаланиш кучи,  $N_{сн}$ ,  $N$ , қуйидаги (6) формула бўйича аниқланади:

$$N_{сн} = 4000 \eta / A_c \cdot l_c \cdot d_{сн} \cdot \mu_c \cdot n, \quad (6)$$

$$N_{сн} = 2P_p \cdot L \cdot d_{сн} \cdot \mu_c \cdot n, \quad (7)$$

бу ерда  $P_p$  - иссиқлик ташувчининг ишчи босими, Pa, (аммо 0,510° Pa дан кам эмас);

$l_c$  - сальникли компенсатор ўқи бўйлаб тўлдиригич қатламнинг узунлиги, м;

$d_{сн}$  - сальникли компенсатордан чиқаётган қувурнинг ташқи диаметри, м;

$\mu_c$  - тўлдиригичи металл билан ишқаланиш коэффициенти, 0,15 га тенг этиб қабул қилинади;

$n$  - компенсатордаги болтлар сони;

$A_c$  - сальникли компенсатор тўлдиригичининг кўндаланг қирқим юзаси, м<sup>2</sup>, қуйидаги (8) формула бўйича аниқланади:

$$A_c = 0,785 (d_2^2 - d_c^2), \quad (8)$$

бу ерда,  $d_c$  - сальникли компенсатор корпусининг ички диаметри, м.

$N_{сн}$  катталиқ мазкур илованин (6) формуласи билан аниқланганда ( $4000 \eta / A_c$ ) нинг қийматини камида  $1 \cdot 10^8$  Pa деб қабул қилиш лозим. Ҳисобий қиймат сифатида мазкур илованин (6) ва (7) формулаларидан фойдаланиб аниқланган қийматларнинг каттаси олинади.

в) сальникли компенсаторлар қўлланилганда беркитувчи арматуралар, бир диаметрдан иккинчи диаметрга ўтиш жойлари, бурилиш жойлари ёки тижларга эга қувур участкаларида ички босимнинг мувозанатлашмаган кучлар  $N_{рс}$ , қуйидаги (9) формула бўйича аниқланади:

$$N_{рс} = P_p \cdot A_{сн}, \quad (9)$$

бу ерда,  $A_{сн}$  - сальникли компенсаторни чиқиб қувурнинг ташқи диаметри бўйича кўндаланг кесим юзаси, м<sup>2</sup>;

$P_p$  - иссиқлик ташувчининг ишчи босими, Pa.

г) ички босим таъсири остида сальникли компенсаторларнинг гофрланган қисмига таъсир қилаётган зўриқиш  $N_{рс}$ ,  $N$ , қуйидаги (10) формула бўйича аниқланади:

$$N_{рс} = P_p \cdot A_{сн}, \quad (10)$$

## ШНҚ 2.04.07-22 “ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ” ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

3) қувурлар иссиқликни изоляцияловчи қобик ичида силжиши ёки қувурлар каналсиз ўтказилганда, қобиқни грунтга ишқаланиши натижасида ҳосил бўлган ишқаланиш кучлари изоляция турига кўра махсус кўрсатмалар асосида аниқланади.

5. Қувурнинг кўзгалмас таънчига горизонтал равишда ўқ бўйича тушаётган зўриқишлар куйидагича аниқланиши лозим:  
охирги таянчга – таянчга тушаётган кучлар йиғиндиси каби;  
оралиқ таянчга – таянчга ҳар тарафидан таъсир қилаётган кучлар фарқи каби;  
(изох: бунда ички босимнинг мувозанатлашмаган кучлари, силфонли компенсаторларнинг биқирлиги, силфонли компенсаторларнинг эгилювчан қисмига тушаётган зўриқишлардан ташқари 0,7 коэффициент билан олинади.)

**Изох:**  
қувурларнинг таянчларига тушаётган умумий зўриқишларни аниқлашда силфонли компенсаторларнинг биқирлигини, компенсаторларга техник шартлар бўйича руҳсат этилган биқирликни чегаравий четга чиқишларни эътиборга олган ҳолда қабул қилиниши лозим;  
оралиқ кўзгалмас таянчларга турли томонлардан таъсир этувчи кучлар йиғиндиси тенг бўлган ҳолда таянчга ўқ бўйича тушаётган зўриқиш таянччи бир томонидан ўқ бўйлаб горизонтал равишда тушаётган умумий зўриқишни 0,3 коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади.

6. Қувурнинг кўзгалмас таянчларига ён томондан горизонтал таъсир кўрсатаётган зўриқишларни трассанинг бурилиш жойлари ва тармоқланиши мавжуд бўлганда ҳисобга олиш лозим.

Қувурларни икки томонга қараб тармоқланиши бўлганда таянчларга ён томондан бўлаётган зўриқишни ҳисоблашда, юқламаси каттароқ бўлган тармоқдаги зўриқиш олинади.

7. Қувурларнинг кўзгалмас таянчлари қувурларнинг турли иш йўсинларида, шу жумладан зулфинларни очик ва ёпиқ ҳолатидаги энг катта зўриқишга ҳисобланиши лозим.

Иссиқлик тармоқларининг ҳалқасимон схемасида, иссиқлик ташувчини исталган томондан ҳаракатланиш имконияти борлиги эътиборга олинини лозим.

**ШНҚ 2.04.07-22**  
**“Иссиқлик тармоқлари”**  
**шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига**  
**13-илова**

### ҚУВУРЛАРНИ ЎТИБ БЎЛМАЙДИГАН КАНАЛЛАР, ТУННЕЛЛАР ВА ЕР УСТИДАН ЎТКАЗИШ ҲАМДА ИССИҚЛИК ПУНКТЛАРИДА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Иссиқлик тармоқларини ер остидан ва ер устидан ўтказилганда қувурлар ва қурилиш конструкциялари орасидаги минимал масофани куйидаги 1–3-жадвалларга кўра қабул қилиш лозим.

Ўтиб бўлмайдиган каналлар

1-жадвал				
Қувурларнинг шартли диаметри, мм	Қувурларни иссиқликни изоляцияловчи конструкцияси юзасидан, мм, камида			
	канал деворигача	қўшни қувурнинг иссиқликни изоляцияловчи конструкциянинг юзасигача	канал томигача	канал асосигача
25-80	70	100	50	100
100-250	80	140	50	150
300-350	100	160	70	150
400	100	200	70	180
500-700	110	200	100	180
800	120	250	100	200
900-1400	120	250	100	300

**Изох:** иссиқлик тармоқларини қайта тиклашда мавжуд бўлган каналлардан фойдаланилса, назкур жадвалда келтирилган ўлчамлардан четга чиқишига йўл қўйилади.

Туннеллар, ер устидан ўтказиш ва иссиқлик пунктлари

2-жадвал					
Қувурларнинг шартли диаметри, мм	Қувурларни иссиқликни изоляцияловчи конструкциясининг сиртидан камида куйидагича масофа бўлиши лозим, мм.				
	туннел деворигача	туннел ёпмасигача (томигача)	туннел асосигача	Туннеллардаги, ер устидан ўтказилганда ва иссиқлик пунктларида жойлаштирилган қўшни қувурларнинг изоляция қатламининг сиртигача	
				вертикал бўйича	горизонтал бўйича
25-80	150	100	150	100	100
100-250	170	100	200	140	140
300-350	200	120	200	160	160
400	200	120	200	160	200
500-700	200	120	200	200	200
800	250	150	250	200	250
900	250	150	300	200	250
1000-1400	350	250	350	300	300

**Изох:** иссиқлик тармоқларини қайта тиклашда мавжуд бўлган каналлардан фойдаланилса, назкур жадвалда келтирилган ўлчамлардан четга чиқишига йўл қўйилади.

Туннеллар, камералар ва иссиқлик пунктларидаги қувурлар тугунлари

3-жадвал	
Номи	Оралиқ масофа, мм, камида
Полдан ёки ораёпмадан қувурларни иссиқликни изоляцияловчи конструкциянинг сиртигача (ўтиш жойи учун)	700
Арматуралар ва сальникли компенсаторларга хизмат кўрсатиш учун ёнбош ўтиш жойлари (девордан арматура фланецигача ёки компенсаторгача), қувурлар диаметрига кўра, мм:	
500 мм гача	600
600 дан 900 мм ва ундан ортиқ	700
қувур диаметри 1000 мм ва ундан ортиқ	1000
Қувурлар диаметрига девордан сальникли компенсатор фланецининг корпусигача, мм:	
500 мм гача	600 (қувур ўқи бўйлаб)
600 ва ундан ортиқ	800 (қувур ўқи бўйлаб)
Полдан ёки ораёпмадан арматурани фланецигача ёки сальникли тикинларнинг болтларини ўқигача	400
Полдан ёки ораёпмадан тармоқланиш қувурининг иссиқликни изоляцияси конструкциясининг юзасигача	300
Зулфинни чиқиб турган шпинделидан деворгача ёки ораёпмагача	200
Диаметри 600 мм ва ундан ортиқ қувурлар учун сальникли компенсатор томонидан қўшни қувур юзалари орасида	500
Девор ёки зулфин фланецидан ҳаво ёки сувни чиқариш штуцеригача	100
Тармоқланиш қувуридаги зулфин фланецидан асосий қувурларни иссиқликни изоляцияловчи конструкцияси юзасигача	100
Ёнма – ён жойлашган силфонли компенсаторларнинг иссиқлик	
изоляцияси конструкцияларининг орасидаги масофа:	
компенсаторлар диаметри 500 мм гача	100
компенсаторлар диаметри 600 мм ва ундан ортиқ бўлганда	150

2. Кўзгалувчан таянчларнинг қиррасидан таянч конструкцияларининг (траверс, кронштейнлар, таянч ёстикчалари) қиррасигача бўлган энг қисқа масофа, таянчларни ён томонга камида 50 мм захираси билан максимал силжиш имкониятини таъминлаши лозим. Бундан ташқари траверс ёки кронштейн четидан қувур ўқигача бўлган масофа, силжишни ҳисобга олмаган ҳолда камида 0,5 Ду бўлиши лозим.

3. Силфон компенсаторларнинг иссиқликни изоляцияловчи конструкцияларидан девор, ораёпма ва туннел тубигача бўлган максимал масофа куйидагича қабул қилиниши лозим:  
шартли диаметри  $D_s = 500\text{ мм}$  ва ундан кичик компенсаторлар учун – 100 мм; шартли диаметри  $D_s = 600\text{ мм}$  ва ундан катта компенсаторлар учун – 150 мм; юқорида келтирилган масофаларга ривож қилишининг имконияти бўлмаса, компенсаторларни режада бир-бирига нисбатан камида 100 мм силжитиб ўрнатиш лозим.

4. Қувурларнинг иссиқлик таъсирда силжишидан сўнг, қувурни иссиқликни изоляцияловчи конструкциясидан қурилиш конструкцияларигача ёки бошқа қувурларнинг иссиқликни изоляцияловчи конструкцияларининг юзасигача бўлган оралиқ масофа 30 мм дан кам бўлиши керак эмас.

5. Туннелларнинг ўтиш жойидаги оралиқ масофа энг катта қувурнинг диаметри плюс 100 мм бўлиши, аммо 800 мм дан кам бўлмаслиги керак.

6. Икки қувурли сувли иссиқлик тармоқларининг сув юбориш қувури, қайтиш қувури билан бир қаторда ўтказилганда, иссиқлик ташувчининг иссиқлик манбаидан йўналиши бўйича ўнг томонда жойлашиши лозим.

7. Иссиқлик ташувчининг ҳарорати 300°С гача бўлган қувурлар ер устидан ўтказилганда бу қувурларга кичик диаметрли қувурларни улашга йўл қўйилади.

8. Сувли иссиқлик тармоқларининг сув юбориш ва қайтиш қувурларидаги сальникли компенсаторлар, камераларда бир-бирига нисбатан 150–200 мм силжитилиб, шартли диаметри  $D_u = 150\text{ мм}$  бўлган фланецли зулфинлар ва силфонли компенсаторлар эса ўқ бўйича бир биридан камида 100 мм силжитиб ўрнатилишига йўл қўйилади.

9. Иссиқлик пунктларидаги ўтиш жойларининг оралиқ кенглиги куйидагича қабул қилиниши лозим, м (камида):  
электродвигатель кучланиши 1000 V гача бўлган насослар орасидаги масофа – 1,0, 1000 V ва ундан ортиқ бўлганда – 1,2;

насослар ва девор орасида – 1,0;  
насослар ва тарқатувчи шчит ёки назорат-ўлчаш ва автоматика ускуналари оралиғидаги масофа – 2,0;

жиҳозларнинг чиқиб турувчи қисмлари орасидаги ёки чиқиб турувчи қисм ва девор оралиғидаги масофа – 0,8.

1000 V гача кучланишга эга электродвигателга ва чиқиб қувурининг диаметри 100 мм гача бўлган насослар куйидагича ўрнатилишига йўл қўйилади.

Ўтиш жойисиз девор олдида (бунда насос ва электродвигателларни чиқиб турган қисмлардан деворгача бўлган оралиқ масофа камида 0,3 м бўлиши лозим);

битта пойдеворда орасидан ўтиб бўлмайдиган қилиб иккита насос (бунда насос ва электродвигателларни чиқиб турган қисмлари орасидаги масофа камида 0,3 м бўлиши лозим).

10. Марказий иситиш пунктларида ўлчамлари энг катта бўлган жиҳоз (ҳажми 3 м³ дан ортиқ бўлган бақдан ташқари) ёки монтаж қилиш учун йиғилган ҳолда келтирилган ускуна ва қувурлар блоқи ўлчамлари бўйича аниқланадиган монтаж майдонлари бўлиши лозим. Монтаж майдонлари атрофида камида 0,7 м оралиқ масофаси бўлиши лозим.

**ШНҚ 2.04.07-22**  
**“Иссиқлик тармоқлари”**  
**шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига**  
**14-илова**

### ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУВУРЛАРИНИНГ ТАШҚИ ЮЗАСИНИ КОРРОЗИЯДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ҚОПЛАМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Иссиқлик ташувчи ҳарорати, °С,	Қоплама тури	Қопламаниннг умумий қалинлиги, мм	Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ёки техник шартлар
1. Қувурлар ер остида, туннелларда, ташқарида, бино деворларида ва бино ичида техник ерўлада ўтказилганда (сув ва буғ учун)			
Иссиқлик ташувчи ҳароратидан қатъи назар	ГФ–021 қораламчи (грунт) қопламаси устидан икки қават мой- битумли (консервацион қоплама сифатида)	0,15–0,2	ОСТ 6-10-426 ГОСТ 25129
300	Металланган алюминийли	0,25–0,3	ГОСТ 7871
2. Ер остида ўтиб бўлмайдиган каналларда (сув ва буғ учун)			
300	Куйидаги русумли шиша эмаллар: 117 грунт қатлами устидан учта 105Г қатлами 70% №2015 ва 30% №3132 грунт қориммаси қатлами устидан учта 64/64 қатлами 117 грунт қатлами устидан учта 13-III қатлами 25М грунтловчи эмал қатлами устидан битта 596 қатлами	0,5–0,6	ТШ ВНИИСТ
		0,5–0,6	- "
		0,5	- "
180	Органосиликатли – (ОС-51-03 туридаги) 200°С ҳароратда термо ишлов берилган ҳолда уч қатлам Табий қуритувчи қотирғич билан тўрт қатламда	0,25–0,3 0,45	ТШ 84-725 - "
150	МБР-Х-Т15 русумидаги совуқ изол мастикаси устидан икки қатлам изол  Эпоксидли – икки қатлам ЭП-0010 шпаклевка устидан уч қатлам эмаль  ЭП-56 сўнгра 60° С ҳароратда термик ишлов бериш билан	5–6 0,35–0,4 0,25–0,3	ГОСТ 10296 ТШ 21-27-37 МПСМ ГОСТ 10277 ТШ 6-10-1243  ГОСТ 7871
3. Каналсиз ўтказиш (сув ва буғ учун)			
300 180 150	Шиша эмаль Ҳимояловчи, изолдан ташқари изол мастикаси устидан	Куйидаги изоҳнинг 2-бандига мувофиқ	
<b>Изоҳлар:</b> агарда ишлаб чиқарувчи заводлар, иссиқлик тармоқларида ишлаш талабларини қониқтирадиган, яхшироқ техник иктисодий кўрсаткичларга эга бўлган қопламалар чиқарса, назкур иловада келтирилган қопламалар ўрнига тақлиф қилинаётган қопламалардан фойдаланиши лозим; қувурлар сиртини коррозиясига имкон бермайдиган иссиқликни изоляцияловчи материаллар қўлланилганда, коррозиядан ҳимояловчи қопламани кўзда тутиш талаб қилинмайди; металланган алюминийли қопламани рН 4,5 дан 9,5 гача бўлган муҳитлар учун қўллаш лозим.			

**ШНҚ 2.04.07-22**  
**“Иссиқлик тармоқлари”**  
**шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига**  
**15-илова**

### ЁПИҚ ИССИҚЛИК БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИДА МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИССИҚ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН СУВГА ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАНЛАШ

Т/р	Сув тармоғидаги сувнинг дастлабки кўрсаткичлари (ўртача, йил давомида)		
	кальций карбонати билан тўйинтириш индекси, J 60°С ҳароратда	хлорид ва сульфатларнинг умумий концентрацияси, мг/л	перманганат оксидланиш, мг O2/л
1	J < -1,5	≤ 50	0 – 6
2	J < -1,5	> 50	0 – 6
3	-1,5 ≤ J < -0,5	≤ 50	0 – 6
4	-0,5 ≤ J ≤ 0	≤ 50	0 – 6
5	0 < J ≤ 0,5	≤ 50	> 3
6	0 < J ≤ 0,5	≤ 50	≤ 3
7	J > 0,5	≤ 50	0 – 6
8	-1,5 ≤ J ≤ 0	51–75	0 – 6
9	-1,5 ≤ J ≤ 0	76 - 150	0 – 6
10	-1,5 ≤ J ≤ 0	> 150	0 – 6
11	0 < J ≤ 0,5	51 - 200	> 3
12	0 < J ≤ 0,5	51 - 200	≤ 3
13	0 < J ≤ 0,5	> 200	> 3
14	0 < J < 0,5	> 200	≤ 3
15	J > 0,5	51 - 200	0 – 6
16	J > 0,5	201 - 350	0 – 6
17	J > 0,5	> 350	0 – 6

Т/р	Қувурлар турига кўра коррозия ва шўх ҳосил бўлишига қарши сувга ишлов бериш усуллари		
	қопламага эга бўлмаган пўлат қувурлар рухланган қувурлар билан биргалиқда	рухланган қувурлар	ички нometалл қопламага эга пўлат қувурлар ёки ҳароратга чидамли пластмасса қувурлар
1	ВД	ВД	-
2	ВД+С	3Д+С	-
3	С	С	-
4	С	-	-
5	С	-	-
6	С+М	М	М
7	М	М	М
8	С	С	-
9	ВД	С	-
10	ВД+С	ВД	-
11	С	С	-
12	С+М	С+М	М
13	ВД	ВД	-
14	ВД+М	ВД+М	М
15	С+М	С+М	М
16	ВД+М	С+М	М
17	ВД+М	ВД+М	М

**Изоҳлар:**

жадвалда сувга ишлов беришнинг куйидаги коррозияга қарши белгилари қабул қилинган:

ВД – вакуумли деаэрация;

С – силикатли; куйка, шўр (накип);

М – магнитли («–» ишораси сувга ишлов бериш талаб этилмаслигини билдиради);  
кальций карбонат билан тўйиниш индексининг J қиймати ҚМҚ 2.04.02 га мувофиқ,

хлоридлар, сульфатлар ва сувда эриган бошқа моддаларнинг ўртача йиллик концентрацияси эса ГОСТ 2761 бўйича аниқланади. Тўйиниш индексини ҳисоблашда рН кўрсаткичи аниқланаётган ҳароратга оид тузатма киритиш лозим;

хлоридлар ва сульфатларнинг умумий концентрациясини [С1]+[SO42-] формуласига кўра аниқлаш лозим;

бошлангич сувдаги хлоридларнинг миқдори [С1] ГОСТ 2874 га мувофиқ 350 мг/л дан, сульфатларни эса [SO42-] – 500 мг/л дан ортмаслиги лозим;

кислотали муҳитда перманганат билан органик моддаларни оксидлаш усули ёрдамида аниқланган сувнинг оксидланиши 6 мг O2/л дан ортиқ бўлса, иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун одатда бу сувлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Санитария қоидалари ва нормаларида бошлангич сувнинг ранги 35° гача бўлишига руҳсат берилган ҳолларда сувнинг оксидланиши мг O2/л дан ортиқ бўлишига йўл қўйилади;

иссиқлик пунктида вакуумли деаэраторни ўрнига буғ бўлганда, албатта деаэрацияланган сувни совутувчи жиҳоз ўрнатилган атмосфера босимидаги деаэратор кўзда тутилмиши лозим;

агарда бошлангич сувда эркин угледор оксидининг [CO2] концентрацияси 10 мг/л дан ортиқ бўлса вакуумли деаэрациядан сўнг ишқорлантириш ўтказилиши лозим;

сувга магнитли ишлов бериш, сувнинг умумий қаттиқлиги 10 мг-экв/л дан кам ва карбонатли қаттиқлиги (ишқорийлиги) 4 мг-экв/л дан ортиқ бўлганда қўлланилади. Магнитли майдоннинг ишичи тирқишдаги кучланганлиги 15910<sup>3</sup> А/Н ортиқ бўлмаслиги керак;

темирнинг [Fe<sup>2+</sup>3+] сувдаги миқдори 0,3 мг/л дан ортиқ бўлганида, сувга ишлов беришнинг бошқа усуллари бўлишидан қатъи назар, сувни темирдан тозалашни кўзда тутиш лозим;

сувга силикатли ишлов бериш ва ишқорлантириш бошлангич сувга ГОСТ 13078 бўйича сувоқ натрийли шиша қўшиш орқали амалга оширилади;

иссиқ сув билан таъминлаш тизимига берилаётган ўртача соатлик сарфи 50 т/ҳ дан ортмаса сувни деаэрациялаш кўзда тутилмайди.

# ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Аввал хабар берганимиздек, “O‘zbekiston bunyodkori” газетаси тахририяти ходимлари республикамиз ҳудудларида бўлиб, газетхонлар билан ижодий учрашувлар ўтказмоқда.**

Ана шундай учрашувлардан бири Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилди. Учрашув давомида “O‘zbekiston bunyodkori” газетаси бош муҳаррири Дилшод Жалолов газетанинг мазмуни, унинг саҳифаларида жой олаётган мақолалар ҳақида маълумот берди. Ўз навбатида учрашувга ҳам бўлган 30 дан ортққ лойиҳа ва буюртмачи ташкилотлар вакиллари ўзларини қизиқтирган саволлар билан муносабат этишди ва келгусида газета саҳифаларида соҳа ходимларига зарур бўладиган долзарб мавзулардаги мақолалар, меъёрий ҳужжатлар ва уларга шарҳларни янада кўпайтириш зарурати борлигини таъкидлашди.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган лойиҳа ташкилотлари вакиллари “Шаффоф қурилиш” миллий тизими орқали ўтказилган тендер савдоларини янада такомиллаштириш кераклигини айтиб ўтишди.

Хоразм вилоятида ҳам қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи корхоналар, лойиҳа ҳамда қурилиш-пудрат

ташкilotларининг тахририят ходимлари билан ижодий учрашуви ўтказилди.

Учрашув давомида вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси раҳбари бўлиб ишлаган Баҳодир Каримов бошқа ишга ўтгани сабабли унинг ўрнига Азамат Эламонов бошқарма бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди. Унгача Азамат Эламонов Урганч шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари вазифасида фаолият юритган.

“O‘zbekiston bunyodkori” газетаси бош муҳаррири Дилшод Жалолов ҳам раҳбарларга келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб, газетамизнинг олдига турган вазифа ва режалар ҳақида гапирди. Газетхонларнинг саволларига жавоб берди.

Ижодий учрашувлар давом этади.

Ўз мухбирларимиз.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O‘ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров  
(Тахрир хайъати раиси),  
Шерзод Хидоятлов,  
Давронжон Адиллов,  
Озода Жўраева,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАХРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Маккамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»  
Наширёт уйи МЧЖ туманидан  
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»  
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСАЛИ

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги,  
«Ўзсанотқурилишматериаллари»  
уюшмаси, «ЎЗАШКЛИТИ» ДУК,  
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри,  
Навобий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-49 (қабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-49 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ  
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.  
**Навобий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0874-рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – F-937.  
1620 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида  
босилган. Баҳоси келишилган  
нархда. ISSN 2181-8762.  
Тахририятга келган кўлемалар  
тахрир қилинмайди ва муаллифга  
кайтарилмайд.

Газета тахририят компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига  
«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,  
«Буюк Тўро» кўчаси, 41.  
**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.  
**Навбатчи** – М. Ҳайдаров.

ЎА якуни – 21.35.  
Тошқирилди – 22.35.


12 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони  
2023 йил 10 октябрь кунини қадашди.

## ШОГИРДЛАР ЭҲТИРОМИ Самарқандлик моҳир қурувчи Амон ота Толибов 80 ёшда

**Сухроб РАФИҚОВ**, Вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси, техника фанлари номзоди.  
**Даврон ИСЛОМОВ**, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи,  
“Дўстлик” ордени соҳиб.

**Илгари юқори лавозимларда асосан, рус, татар, корейс, арман ва бошқа миллатларга мансуб кишилар ишлашарди ва бутун системани бошқарарди. Маҳаллий аҳолидан муҳим вазифаларни бажарадиган кадрлар жуда кам эди. Бу ҳақда ўша пайтда ишлаганлар яхши билади.**



раси қошидаги устоз-шогирд мактаби фаолиятига ҳам кўпчилик ҳавас қиларди. Ёшлар прораб – иш бошқарувчи, устага бириктирилларди. Архитектура-қурилиш институти талабалари 5-курсда ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўтказарди. Амон ота меҳнат қилган объектларнинг аксари Самарқанд тумани ҳудудига эди. Жумладан, “МОП” – 15 минг бош қорамолга мўлжалланган улкан қурилиш объекти барпо этилди. Энгелс номи хўжаликдаги катта санъат саройи, 784 ўринли мактаб, 800 бош қорамолга мўлжалланган сўтчилик фермаси, Охаликдаги 240 ўринли санаторий, Гулбод қўرғонига турар жой бинолари ва яна бошқа иншоотлар қурилиши Амон Толибов бошчилигида амалга оширилди. Бу ишларни амалга ошириш замирида кечая кундуз қилинган тинимсиз меҳнат, тартиб-интизом, новаторлик, жонқуярлик, талабчанлик хислатлари ётарди. Натижада 3 та катта лойиҳа иттифоқ миқёсида ўтказилган мусобақада қатнашиб, ВДНХ кўргазмасининг фахрий ёрлиғига мушарраф бўлганди.

Бу ўша даврдаги улкан муваффақият, катта обрў эди. Бунда Самарқанд тумани “МСУ” қурилиш ташкилотини бошқарган Амон Толибовнинг беқиёс хизматлари бор эди. Биз, шогирдларга Амон ака раҳбарлигида иш юритиш, сиёсий савиямизни ошириш, ташкилотчилигимизни юксалтиришдан хурсанд бўлардик. Унинг қўлида ишлаган шогирдлардан бир нечтаси раҳбарлик лавозимига кўтарилди. Устознинг уч ўғли ўзи сингари қурувчи-бунёдкор. Учталаси ҳам ота изидан борди. Бугун уларнинг ҳар бири алоҳида қурилиш ташкилотининг раҳбари. Икки қизи эса тadbirkor. Ҳаммаси бола-чақали, набирали бўлишган. Фарзандлари билан набиралари ҳам ишга киришиб, ёши кичиклари эса нуфузли олий ўқув даргоҳларида малакали кадрларга айланяпти. Амон отанинг янгамиз билан ана шундай фарзандлар, набиралар ардоғида эканига маҳалладошлар ҳавас қилишади.

Устознинг ҳаёти, бунёд этган улкан, бир-бирига ўхшамас бинолари, раҳбарлик лавозимларидаги ажойиб ютуқлари, муваффақиятлари, бизлар учун, аτροφимиздагилар учун, айниқса, хозирги ёшлар учун ўрнатилган намуна бўлади.

Устоз ҳамиша омон бўлсин, узоқ умр кўрсин!

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Сентябрь ойининг охири ҳамда октябрь ойининг илк ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хизмат хоналари фарроши **Наргиза Джалилова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бошлиғи ўринбосари **Аҳмаджон Мўминов**, бош мутахассис **Даврон Саматов**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК бош мутахассиси **Дилшод Ташпўлатов**,

“Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат харидларини ташкил қилиш ва уни амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Улугбек Холиқулов**, Ахборот-коммуникация технологияларини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи **Даврон Батирбеков**,

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассислари **Юсуфбек Нигматов**, **Жамшидбек Мирзамаҳмудов**,

“Ташгирпрогор” АЖ бухгалтер-кассири Гулноза Мирзақабуллова, 1-сонли ишлаб чиқариш устахонаси архитектори **Робия Эргашева**, 3-сонли архитектура-қурилиш сектори раҳбари **Ҳаким Ташмухамедов**, 4-сонли архитектура-қурилиш сектори бош архитектори **Сардорбек Юлдашев**, Иситиш, вентиляция ва совутиш сектори бош мутахассиси **Сусина Вероника**, Алоқа ва сигнализация сектори бош мутахассиси **Азизжон Мирзамаҳмудов**, Муаммо-лойиҳалар сектори иқтисодчиси **Альвина Абдурахимова**, тузатувчи **Дониёр Мусаев**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи **Нилуфар Хусанова**, бош мутахассиси **Раъизиддин Сагдуллаев**, бош ҳисобчи ўринбосари **Нилуфар Иргашева**, бош мутахассиси **Людмила Ерофеева**,

“Ўзоғирсаноатлоийиҳа” АЖ молиявий ишлар бўйича иқтисодчи **Шоира Икранова**, Мухандислик тузилмалари ва конструкциялари бўлими катта муҳандиси **Дилшод Инаётов**, етакчи мутахассислар **Марат Кучкорбоев**, **Суръат Рашидов**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Архитектура ва қурилиш бўйича шаҳар ва туманлар бўлими раҳбари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Орифжон Умнатов**, Зарбдор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Шерали Калонов**, фаррош **Дилдора Сулаймонова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси хўжалик мудир **Абдували Абдуназаров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўринбосари – бош архитектор **Рустем Бекмуратов**, Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Амин Сабиоров**, Кегейли тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Надира Отаева**, Қонлиқўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор **Муратбай Қаражанов**, Ҳўжайли тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик конунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Шавкат Тажимов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси фарроши **Замира Абдуллаева**, мутахассис **Раджив Сатуллаев**, етакчи инспектор **Икром Ўразалиев**,

Навобий вилояти, Навбахор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси **Темур Суннатов**, Навобий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси таркибидаги Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи маслаҳатчиси **Ҳилола Исмаилова**, Навобий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази бош мутахассиси **Бобомурот Болтаев**,

Самарқанд вилояти, Урганч тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Қамариддин Раҳматов**,

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича мутахассиси **Бегзод Аширов**,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мутахассиси **Сардор Занонов**, Чиноз тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Аббос Исмаилова**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси етакчи мутахассиси **Баҳодир Ибрагимов**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги “Azatbay sardar kommunal servis” МЧЖ бош директори **Азатбай Бабаниязов**,

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги “Ҳаёт коммунал маҳсусу” МЧЖ бош директори **Гулнора Аманова**, “Жаҳонгир янги қурилиш” МЧЖ бош директори **Темур Мўминов**,

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги “Жайхун маҳсусу” МЧЖ бош директори **Яшин Аюпов**, Касби туманидаги “Касби-Муғлон Бошқарув Сервис” МЧЖ бош директори **Аҳмадилло Равшанов**, Муборак туманидаги “Осиё” БСК бош директори **Хайрулло Аллаев**, Нишон туманидаги “Профессинал бошқарув компания” МЧЖ бош директори **Жамшид Қобиллов**,

Навобий вилояти, Зарафшон шаҳридаги “Yangi Hayot 2022 Boshqaruv servis kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Анвар Гафоров**,

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд омад коммуналчи” МЧЖ бош директори **Улугбек Раджабов**, Окдари туманидаги “Сити хаус сервис голд” МЧЖ бош директори **Жалолидин Валиев**,

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги “Oltin Kamalak Termiz” МЧЖ бош директори **Сайха Чоршаббева**,

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши тизимидаги Хоразм вилояти ҳудудий Кенгаш раиси **Қамолдин Рўзметовларини** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбад этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚТИЛАЙМИЗ!**

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдога таклиф этади!**

Аукцион савдога “SUVMAASH” акциядорлик жамиятининг 2023 йил 25 сентябрдаги 21/323-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ. Байқаро кўчаси, 13-уй манзилида сақланаётган қуйдаги мулклар қўйилмоқда:

- 2009 йилда ишлаб чиқарилган техник соз, давлат рақами 01 509 FJA бўлган, “DAMAS” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 41 591 000 сўм.
- 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 0459 АА бўлган, “Тиркама MAZ 2938660041” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 35 160 000 сўм.
- 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 491 BBA бўлган, “MAZ 642205 020” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 36 581 000 сўм.

**Аукцион савдо 2023 йил 31 октябрь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати:** 2023 йил 27 октябрь кунини соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2023 йил 31 октябрь кунини сотилмаган тақдирда тақрорий савдолар 2023

йил 15, 30 ноябрь ва 15, 29 декабрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Тақрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун арiza, закат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ “Давр банк” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.